

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ КЕНГАШИННИНГ  
2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИ 4- ЙИҒИЛИШИ**

**2021 йил 4 декабрь  
Катта йиғинлар зали**

**Бухоро шахри  
соат 10:00**

**Раислик қилди:**

О.Х.Хамидов - кенгаш раиси, Бухоро давлат университети ректори, п.ф.д., проф.

**Иштирок этганлар:**

Н.Г.Дилова - кенгаш котиби, п.ф.ф.д.,(PhD) доц.  
БухДУ кенгаши аъзолари умумий сони:74 нафар  
Қатнашди: 71 нафар кенгаш аъзоси ва таклиф қилинганлар (рўйхат асосида)

Бухоро давлат университети кенгашининг 2021-2022 ўқув йилининг 4-йиғилишини кенгаш раиси, университет ректори, и.ф.д., профессор О.Х. Хамидов очиб берди.

Кенгашнинг кириш қисмида университет ректори О.Х.Хамидов Кенгаш аъзолари ва университет жамоасини 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами билан табриклади.

Олий Аттестация комиссияси қарори билан тасдиқланган илмий унвон ва илмий даража олган профессор-ўқитувчилар ҳамда турли танлов ғолиблари тақдирланди.

Кенгаш раиси бугунги 4 - кенгаш йиғилишида 74 нафар кенгаш аъзосидан 71 нафари иштирок этаётганлигини, 3 нафар кенгаш аъзоси сабабли бугунги кенгашда иштирок этмаётганлигини маълум қилиб, йиғилишни очиш тўғрисидаги масалани кенгаш аъзолари ҳукмига ҳавола этди. Кенгаш аъзолари йиғилишни очик деб қабул қилишни бир овоздан маъқуллашди.

Шундан сўнг, кенгаш кун тартиби ўқиб эшиттирилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Университет жамоаси билан амалга ошириладиган масалалар йўналиши бўйича:**

1.Университет ходимлари учун Касб одобномаси, ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ, “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги НИЗОМ ва комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида

**(Ректор О.Х. Хамидов)**

**II Ўқув жараёни йўналиши бўйича:**

2.1. Табиий фанлар факультетида ички баҳолаш натижалари ҳақида.

**(ТСНҚБ бошлиғи - М.Я.Эргашов, декан - Э.Д. Ниёзов ахбороти)**

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 12-июндаги ПФ-4732-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси В.М.нинг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 20 августдаги 242-сон қарорининг ижросини таъминлаш, университет профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш натижалари ҳолати тўғрисида

**(Ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаев ахбороти)**

**III. Илмий ишлар ва инновациялар йўналишлари бўйича:**

3.1. Бухоро давлат университетида 2022 йил учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Олий таълимдан кейинги таълим институтига қаъбул натижалари тўғрисида

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига номзодларни саралаш ҳамда танловнинг кейинги боскичга тавсия этиш ҳақида

**(Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С.Қаххоров ахбороти)**

#### **IV. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар йўналиши бўйича:**

4. Талаба-ёшлар орасида гиёҳвандлик, чекиши ва юқумли касалликларни олдини олиш, терроризм ва диний экстремизм, миссионерлик ва прозелитизмга қарши кураш борасида вилоят ҳуқуқтартибот органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар тўғрисида.

**(Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.М. Кадиров ахбороти)**

#### **V. Танловлар.**

5. Кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчи ва ўқитувчи (асистент) лавозимларига навбатдаги танловлар тўғрисида

#### **VI. Турли масалалар.**

##### **6.1. Илмий ижодий таътил бериш ҳақида**

6.1.1. Математик анализ кафедраси профессори Расулов Тўлқин нинг илмий ижодий таътилини бир ойга узайтириш тўғрисида

6.2. Университетнинг педагог ходимлари томонидан тайёрланган дарслик ва ўкув қўлланмаларни вазирлик грифини олишга тавсия бериш тўғрисида.

6.3. Фалсафа доктори (PhD) докторлик диссертация мавзууси ва илмий раҳбарини қайта тасдиқлаш тўғрисида.

**РАИС:** ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш қатнашчилари. Университет Кенгаши 74 нафар аъзодан иборат бўлиб, бугунги йиғилишда улардан \_\_\_\_\_ нафари иштирок этяпти. Йиғилишни очиш хусусида қандай таклифлар бўлади?

**Овозлар:** Кенгаш йиғилиши очилсин.

**РАИС:** Кенгаш йиғилишини очиш тўғрисида таклифлар тушди. Уни овозга қўяман. Тарафдорлар. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ. Демак, Кенгаш йиғилиши очик, деб эълон қилинади.

**РАИС:** ҳурматли Кенгаш аъзолари, бугунги йиғилиш кун тартиби сизга маълум. Кун тартиби хусусида фикрларингиз.

**Овозлар:** тасдиқлансанин.

**РАИС:** кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида таклиф бўлди. Уни овозга қўяман. Тарафдорлар. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ. Демак, кун тартиби тасдиқланди. Кун тартибидаги маслалар муҳокамасига ўтамиз.

# **КУН ТАРТИБИ БҮЙИЧА МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА ЎТИЛДИ**

## **I. Университет жамоаси билан амалга ошириладиган масалалар йўналиши бўйича:**

**Университет ходимлари учун Касб одобномаси, ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ, “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги НИЗОМ ва комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ:** О.Х. Хамидов (университет ректори, кенгаш раиси) Университет ходимлари учун Касб одобномаси 12 та боб, 51 та моддадан иборат бўлиб, Касб одобномасининг мақсади университетда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик мухитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали ва профессионал кадрлар тайёрлашга қўмаклашиш, таълим муассасасининг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидағи нуфузини янада оширишdir.

### **Касб одобномасининг асосий вазифалари:**

юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини хис этадиган, ташаббускор, замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда университет ходимларининг масъулиятини ошириш;

университет ходимлари орасида коррупцияга қарши курашишга, одоб-ахлоқни бузишга қаратилган хар қандай хатти-харакатларнинг олдини олиш ва бошка турли ҳалокатли таҳдидлардан ҳимоя қилишга қўмаклашиш;

университет ходимларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва бошқалардан иборат.

Ушбу Касб одобномаси билан барча кафедра ва бўлим ходимлари танишиб, ўрганиб чиқишилари керак бўлади.

Бухоро давлат университетининг **ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ 10 та боб, 35 та моддадан** иборат бўлиб, **ушбу кодекс** университетнинг педагог ва бошқа ходимлари, талабалари, докторантлари касбий одоб-ахлоқининг тамойиллари, нормалари, таълим жараёни ва хизматдаги хулқ-авторининг асосий қоидалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Одоб-ахлоқ кодексининг **мақсади** ходим, талаба ва докторантларда умумий маданиятни ривожлантириш; Университет ходим, талаба ва докторантларининг замонавий имижини шакллантириш; ходим, талаба ва докторантларни Университет ва унинг қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш; таълим муассасаси одоб-ахлоқи тушунчасини такомиллаштириш ва Университетда ташқи кўриниш ва хулқ-авторга бўлган талабларга оид ягона ёндашувни ишлаб чиқишидан иборатdir.

Одоб-ахлоқ кодексининг **вазифалари ҳам келтириб ўтилган**. Бундан ташқари кодекснинг принциплари, коррупцияга қарши курашиш; Ходим, талаба ва докторантлар юриш-туриш ва расмий мулоқотига оид талаблар; Университет раҳбариятининг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари ва касбий фаолиятда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка оид тартиблар; Ходим, талаба ва докторантларнинг ўзаро муносабатларига оид талаблар; Ходим, талаба ва докторантларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари; Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби; Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил этиш ва якуний қоидалар ўз аксини топган.

**Бухоро давлат университетининг “ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ги НИЗОМи лойиҳаси хақида**

Университетининг “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги НИЗОМи лойиҳаси I. Умумий қоидалар, II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари, III. Комиссия ишини ташкил қилиш бобларидан иборат бўлиб, Ушбу Низом Бухоро давлат университетининг (бундан буён матнда БухДУ деб юритилади) Одоб-ахлоқ комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

Комиссия БухДУ ҳузурида тузиладиган коллегиал орган бўлиб, Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини кўриб чиқувчи орган ҳисобланади.

3. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

Комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиши ва натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хulosса чиқариш; қоидалар бузилишини содир этган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида БухДУ ректорига кўриб чиқиши учун таклиф киритиш; йўл қўйилган қоида бузилишининг характеристини ҳисобга олган ҳолда, Комиссия БухДУ ходимини Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огохлантириш; педагог ходимларни Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши устидан назорат қилиш; педагог ходимлар томонидан хизмат мавқеини сустеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

педагог ходимлар томонидан қонунчилик талабларига риоя этишлари ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши; ўз йигилишида Одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишига сабабчи бўлган ходимнинг тушунтиришларини кўриб чиқиши; бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан маълумотлар олиш; хизмат текширувларини ўтказиш; қонунчиликка зид бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Комиссия таркиби БухДУ Кенгashi қарори билан беш кишидан иборат таркибда беш йил муддатга тасдиқланади. Комиссия - БухДУ ректори, кенгаш котиби, проректорлар, бўлим бошлиқлари, жамоатчилик кенгashi вакиллари ва юридик маслаҳатчилардан иборат таркибда шакллантирилади.

Комиссиянинг раиси, раис ўринбосари ва аъзолари ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

**Бухоро давлат университетининг  
Одоб-ахлоқ комиссияси аъзолари таркиби** (лойиха)

<b>№</b>	<b>Одоб-ахлоқ комиссияси аъзоларининг Ф.И.О</b>	<b>Лавозими ва илмий даражаси</b>
1.	Хамидов Обиджон Хафизович	<b>БухДУ комиссия раиси,</b> БухДУ ректори, и.ф.д., профессор
2.	Жумаев Рустам Ғаниевич	<b>раиси ўринбосари,</b> Ўқув ишлари бўйича проректор в. Ўқув -услубий бошқарма бошлиғи, с.ф.ф.д. (PhD)
3.	Кадиров Ариф Махмудович	Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, п.ф.н., доцент
4.	Қаххоров Отабек Сиддиқович	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, и.ф.д. (DSc), доцент
5.	Жўраев Аброр Туробович	Ҳалқаро ҳамкорлик бўйича проректор, и.ф.н.
6.	Рашидов Ўлмасжон Умарович	Молия-иктисод ишлари бўйича проректор
7.	Қаххоров Сиддиқ Қаххорович	БухДУ Ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси, п.ф.д., профессор
8.	Адизов Бахтиёр Рахмонович	БухДУ ҳузуридаги педагогик кадрлар МО ва ҚТ минтақавий маркази директори, п.ф.д., профессор
9.	Хусейнова Абира Амановна	Бухоро давлат университети психология кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси
10.	Тураев Акмал Атаевич	Магистратура бўлими бошлиғи, ф-м.ф.ф.д. (PhD) доцент
11.	Қиличев Акрам Абдусамадович	Мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи
12.	Каримов Феруз Раймович	Ўзб. ёшлар иттифоқи БухДУ бошланғич ташкилоти етакчиси

13.	Адизова Ободон Истамовна	Хотин-қизлар кенгаши раиси, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент
14.	Нажмиддинов Гулмурод Садриддинович	Катта юрист консульт
15.	Файзиева Умида Асадовна	Ходимлар бўлими бошлиғи
16.	Рахимов Олим Хомитович	Хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги ҚТДМБ бўлими бошлиғи
17.	Кулиев Ёркин Каримович	Коррупцияга қарши қурашиб “Копмлаэнс назорат” тизимини бошқариш бўлими
18.	Ҳамдамова Дилбар Очиловна	Университет психологи
19.	Дилова Наргиза Гайбуллаевна	БухДУ комиссия котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент

**РАИС:** ушбу масалалар бўйича кимда қандай таклиф ва саволлар бор? Марҳамат,

### **Кенгаш аъзоларининг таклиф ва мулоҳазалари эшитилади**

**РАИС:** хурматли Кенгаш аъзолари, кун тартибидаги ушбу масалаларни тасдиқлаб беришингиз учун овозга қўяман.

Тарафдорлар. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ. Демак, Кенгаш йиғилиши очик, деб эълон қилинади.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қиласи:**

1. Бухоро давлат университети ректорининг “Университет ходимлари учун Касб одобномаси”, “Университетнинг ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ”, “Университетнинг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги НИЗОМ ва комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Университет ходимлари учун Касб одобномаси”, “Университетнинг ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ”, “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги НИЗОМ ва комиссия таркиби кенгаш аъзоларининг қарорига асосан тасдиқлансин.
1. Университет ходимлари учун Касб одобномаси, “ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ”, “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги НИЗОМ ва комиссия таркиби билан барча кафедра аъзолари ва ходимлар таништирилсин.
2. Ушбу қарор ижро назорати Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.Кадиров зиммасига юклатилсин.

### **II Ўқув жараёни йўналиши бўйича:**

**2.1.** Табиий фанлар факультети таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ички баҳолаш тўғрисида

**ЭШИТИЛДИ: М.Я. Эргашов (ТСНҚБ бошлиғи)** Ички баҳолаш бўйича комиссия аъзолари таркиби Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 27 октябрдаги “Университет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ички баҳолашдан ўтказиш тўғрисида”ги 434-У-сонли буйруғига асосан 31 нафар таркибдан иборат ишчи гурӯҳ шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини атtestациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда ушбу низомнинг 9-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган “Таълим ташкилотларини атtestациядан ўтказиш мезонлари” (Адлия вазирлиги томонидан 3214 – сон билан 2020 йил 27 январда давлат рўйхатига олинган) асосида Табиий фанлар факультетида ички баҳолаш амалга оширилди.

2021-2022 ўкув йилида Табиий фанлар факультетида жами 50 нафар профессор-үқитувчи асосий штатда фаолият кўрсатади. Улардан 6 нафари профессор, 10 нафари доцент илмий увоннига ва 4 нафари PhD илмий даражасига эга. 4 нафар педагог-ходим ташки ўриндош сифатида ўкув жараёнига жалб қилинган. Илмий салоҳият 40%. Факультетда 3 та (экология ва география, умумий ва ноорганик кимё ҳамда органик ва физколлоид кимё) кафедра мавжуд. Шунингдек, 6 нафар тьютор 1-3 курс талабаларига бириктирилган.

Факультетда 939 нафар (179 нафар грант, 760 нафар шартнома асосида) талабалар таҳсил олади. Шундан 276 нафари ўғил, 663 нафари қиз болалардир. 5 нафар таянч докторант илмий иш олиб бормоқда.

Факультетда ўкув жараёни 2 сменада 5 қунликда ташкил этилган бўлиб, 1- ва 3- курс талабалари 1-сменада 452 (247+205) нафар, 2- ва 4-курс талабалари 477 (259+218) нафар талаба 2-сменада таҳсил олмоқда. Факультетда 9 та лаборатория хонаси, 10 та маъзуза хонаси, 7 та ўкув хонаси ва 1 та компьютер зали (25 та компьютер) мавжуд. Факультетдаги 6 та ўкув хонасида видеопроектор, 4 та лаборатория хонаси ва 4 та ўкув хонасига катта экранли телевизорлар ўрнатилган.

Факультет кафедралари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар сони, уларда таҳсил олаётган талабалар сони, таълим олиш шакллари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар рўйхати 1-2-иловада берилган (**1-2-иловалар**).

### I-илова

Табиий фанлар факультети 2021-2022 ўкув ўли										
Кундузги таълим бўйича										
№	Таълим йўналиши	Гурӯҳ	Гурӯҳ сони	Ўқитиш тили	Жами талаба сони	Шундан				
						Грант	Шартнома	Ўғил болалар	Қиз болалар	
<i>I курслар</i>										
1	Кимё	2-1KIM-21	1	ўзбек	28	22	6	5	23	
2		2-2KIM-21	1	ўзбек	28		28	4	24	
3		2-3KIM-21	1	ўзбек	28		28	4	24	
4		2-4KIM-21	1	ўзбек	28		28	10	18	
5		2-5KIM-21	1	рус	25	5	20	8	17	
6	География	2-1GEO-21	1	ўзбек	29	6	23	8	21	
7		2-2GEO-21	1	ўзбек	28	5	23	9	19	
8	Экология	2-1EKO-21	1	ўзбек	27	11	16	5	22	
9		2-2EKO-21	1	ўзбек	26	6	20	6	20	
<b>Жами</b>			<b>9</b>		<b>247</b>	<b>55</b>	<b>192</b>	<b>59</b>	<b>188</b>	
<i>II курслар</i>										
1	Кимё	2-1KIM-20	1	ўзбек	29	18	11	5	24	
2		2-2KIM-20	1	ўзбек	29		29	7	22	
3		2-3KIM-20	1	ўзбек	30		30	5	25	
4		2-4KIM-20	1	ўзбек	29		29	8	21	
5		2-5KIM-20	1	рус	16	4	12	10	6	
6	География	2-1GEO-20	1	ўзбек	24	6	18	4	20	
7		2-2GEO-20	1	ўзбек	23		23	6	17	
8		2-3GEO-20	1	ўзбек	23		23	11	12	
9	Экология	2-1EKO-20	1	ўзбек	28	16	12	7	21	
10		2-2EKO-20	1	ўзбек	28		28	12	16	
<b>Жами</b>			<b>10</b>		<b>259</b>	<b>44</b>	<b>215</b>	<b>75</b>	<b>184</b>	
<i>III курслар</i>										
1	Кимё	2-1KIM-19	1	ўзбек	27	11	16	8	19	
2		2-2KIM-19	1	ўзбек	27	3	24	9	18	
3		2-3KIM-19	1	ўзбек	28		28	6	22	

4		2-4KIM-19	1	ўзбек	29		29	8	21
5		2-5KIM-19	1	рус	6	1	5	2	4
6	География	2-1GEO-19	1	ўзбек	22	7	15	2	20
7		2-2GEO-19	1	ўзбек	20		20	5	15
8	Экология	2-1EKO-19	1	ўзбек	24	10	14	7	17
9		2-2EKO-19	1	ўзбек	22		22	8	14
<b>Жами</b>			<b>9</b>		<b>205</b>	<b>32</b>	<b>173</b>	<b>55</b>	<b>150</b>

***IV курслар***

1	Кимё	2-1KIM-18	1	ўзбек	28	22	6	10	18	
2		2-2KIM-18	1	ўзбек	29		29	14	15	
3		2-3KIM-18	1	ўзбек	28		28	13	15	
4		2-4KIM-18	1	ўзбек	29		29	9	20	
5		2-5KIM-18	1	рус	21	5	16	9	12	
6	География	2-1GEO-18	1	ўзбек	22	11	11	9	13	
7		2-2GEO-18	1	ўзбек	22		22	5	17	
8	Экология	2-1EKO-18	1	ўзбек	20	10	10	7	13	
9		2-2EKO-18	1	ўзбек	19		19	6	13	
<b>Жами</b>			<b>9</b>		<b>218</b>	<b>48</b>	<b>170</b>	<b>82</b>	<b>136</b>	
<b>Жами кундузги таълим бўйича</b>					<b>929</b>	<b>179</b>	<b>750</b>	<b>271</b>	<b>658</b>	

***2-мутахассисликлар бўйича***

№	Талим йўналиши	Гурух	Гурух сони	Ўқитиш тили	Жами талаба сони	Шундан			
						Грант	Шартнома	Ўғил болалар	Қиз болалар
<i><b>II курслар</b></i>									
8	География	2-1GEO IM-20	1	ўзбек	10		10	5	5
<b>Жами 2-мутахассислик бўйича</b>			<b>1</b>		<b>10</b>		<b>10</b>	<b>5</b>	<b>5</b>
<b>Жами факультет бўйича</b>					<b>939</b>	<b>179</b>	<b>760</b>	<b>276</b>	<b>663</b>

2-илова

**Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати**

№	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари			Изоҳ				
	Шифр	Номи						
<b>Бакалавриат</b>								
<b>2019-2020</b>								
1	5140500	Кимё таълим йуналиши		Аттестацияга жалб этилди				
<b>2020-2021</b>								
2	5140500	Кимё таълим йуналиши		Аттестацияга жалб этилди				
<b>2021-2022</b>								
3	60530100	Кимё (турлар бўйича)		Аттестацияга жалб этилди				
<b>Магистратура</b>								
<b>2020-2021</b>								
1	5A 140501	Кимё (фан йўналишлари бўйича)		Аттестацияга жалб этилди				
<b>2021-2022</b>								
2	70530101	Кимё (фан йўналишлари бўйича)		Аттестацияга жалб этилди				

**ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ**

Ички баҳолашга жалб этилган табиий фанлар факультети таълим йўналишлари 5140500 -Кимё таълим йўналиши (2,3,4-босқич), 60530100-Кимё (турлар бўйича) 1-босқич, 5630100- Экология ва атроф-мухит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) (2, 3, 4 босқич талабалари), 60710400- Экология ва атроф-мухит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)(1 курс), 5140600 –география (2, 3, 4 босқич талабалари), 60530400-география (1- босқич талабалари) Давлат таълим стандартлари, малака талаблари билан тўлиқ таъминланган. Давлат таълим стандартлари (ДТС) “Ўзстандарт” агентлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган, малака талаблари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) томонидан тасдиқланган.

Бакалавриат таълим йўналишларининг 1,2,3 ва 4-курс талабалари 2015 йилда тасдиқланган ДТС асосида таҳсил олмоқда (ОЎМТВ №303 2015 йил 21 август). 1-курс талабалари 2021 йилда (ОЎМТВ №365 2021 йил 25 август), 2-курс талабалари 2020 йилда (ОЎМТВ №418 2020 йил 14 август), 3-курс талабалари 2019 йилда (ОЎМТВ №892 2020 йил 4 октябрь), 4-курс талабалари 2018 йилда (ОЎМТВ №744 2018 йил 25 август) тасдиқланган малака талаблари асосида ўқитилемоқда (**1-жадвал**).

2015 йилдаги ДТС ларга мос ҳолда намунавий ўқув режалари мавжуд ва ўрнатилган тартибда малака талаблар билан биргаликда 2019-2022 ўқув йиллари учун ОЎМТВ нинг тегишли буйруқлари билан тасдиқланган.

Намунавий ўқув режалар асосида университет кенгаши қарори асосида ректор томонидан тасдиқланган ишчи ўқув режалар мавжуд. Ишчи ўқув режалар намунавий ўқув режага мос келади, киритилган ўзгаришларда ҳафталик ўқув юкламалари сақланган. Жадвалларда қайд рақами кетма-кетликда очиб берилган. Ишчи ўқув режалари ва ишчи фандастурларининг мавжудлиги ва университет Кенгаши томонидан тасдиқланганлиги кўрсатилган (**1, 2 - жадваллар**).

Факультетда 2 та магистратура мутахассислиги мавжуд:

5A140602 –География (ўрганиш объекти бўйича) 2-босқич магистратура (10 нафар)

70530402- География (ўрганиш объекти бўйича) 1-босқич магистратура (6+10 нафар)

5A140501 –Кимё (фан йўналишлари бўйича) 2-босқич магистратура (27 нафар)

70530101 - Кимё (фан йўналишлари бўйича) 1-босқич магистратура (6+33 нфар) талаба қабул қилинган.

Университет таълим йўналишлари айrim фанларининг ишчи ўқув дастурларида камчиликлар мавжуд бўлиб, намунавий ва ишчи ўқув фан дастурлари ўртасида номутаносибликлар учрайди, адабиётлар рўйхати ва мавзуларнинг кетма-кет берилишида камчиликлар бор, айrim фанлардан таянч ОТМ томонидан намунавий фан дастурлари ишлаб чиқилмаган.

Магистратура мутахассисликларида ҳам 2019-2021 ўқув йилларига оид ўқув фани ва ишчи фан дастурларида камчиликлар кузатилди, айrim мутахассисликлар бўйича фанларнинг ишчи дастурлари янги ва хорижий адабиётлар билан тўлдирилмаган, адабиётлар рўйхатида эски йиллардаги адабиётлар кўрсатилган, рус тилида ёзилган адабиётлар номи лотин ёзувига ўгирилган, айrim танлов фанларида асосий адабиётлар кўп киритилган, мустақил таълимга ажратилган соатлар тақсимотида ноаникликлар мавжуд. Айrim фанларнинг ўқув-услубий мажмуаси тайёрланмаган. Ишчи дастурининг қайд рақамлари ва тасдиқланган саналари, шунингдек, айrim ўқув – услубий мажмуналарнинг қайд рақамлари кўйилмаган.

Ишчи ўқув режа ва ишчи фан дастурларининг намунавий ўқув режа ва ўқув фан дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини ўрганилди. Тасдиқланган ўқув режа ва фанларнинг ўқув дастурлари асосида ишчи ўқув режа, фанларнинг ишчи дастурлари ишлаб чиқилган.

Талаб асосида расмийлаштирилган ва улар мазмуни асосан ўзаро мувофик келади. Лекин айрим таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаларида камчиликлар мавжуд:

1. Топография, картография фани ўқув режада 240 соат микдорда белгиланган. Ишчи дастурда эса 300 соат кўрсатилган. Мустақил таълимда ҳам фарқлар мавжуд.

2. Умумий табиий география фани намунавий ўқув режада 300 соат режалаштирилган. Ишчи дастурда эса 270 соат ҳажмида кўрсатилган. Мустақил таълимда ҳам фарқ мавжуд.

3. Ўқув режада режалаштирилган Гидрология ва демография ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий география фанларининг фан ҳамда ишчи дастурлари мавжуд эмас.

4.Худди шу таълим йўналиши 2-босқичда Ўзбекистон географияси фанидан курс иши ўқув йили якунида режалаштирилган, лекин ишчи ўқув режада ҳар икки ўқув жараёнида ҳам курс иши белгиланган.

60710400- Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) Биринчи курсларни ўқув режаси янгиланган. Аммо янгиланган ўқув режа асосида фан дастури ҳамда ишчи дастурлар ишлаб чиқилмаган.

1.Тупроқ ва агроэкология фани соатларида мустақил таълим соатлари тўғри тақсимланмаган.

2.Экобиотехнология фани ўқув режага кўра 2-жараёнда ўтилади. Ишчи дастурда эса 1-жараён кўрсатилган.

3.Экология асослари фанида ҳам шундай камчиликлар мавжуд.

4.Шу йўналишнинг 2-босқич ишчи ўқув режасида Биоэкология фани семестрларга тўғри тақсимланмаган.

5.Гидроэкология, Экологик сиёsat фанларининг фан ҳамда ишчи дастурлари ҳам мавжуд эмас

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар берилди. Таклифлар инобатга олиниб кўпчилик кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди.

Кафедраларда кейинги 3 ўқув йилининг ҳар ўқув йилида фанлар бўйича календарь-тематик режалар тузилган, кафедра мудирлари томонидан тасдиқланган. Ишчи ўқув режалар ва календар режалардаги дарс соатлари ўқув режаларига мос. Календар режалар тўлиқ тўлдирилган, уларда ўқув юкламаларини бажарилганлиги қайд этилган.

Факультетдаги кимё таълим йўналиши (20 та гурух), география таълим йўналиши (9 та гурух), экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (8 та гурух, жами 37 та академик гурухнинг) дарс жадваллари тузилган, тегишли тарзда ўқув ишлари бўйича проректор ва факультет декани томонидан тасдиқланган.

Ишчи гуруҳ томонидан талабаларнинг дарс машғулотларига давомати ўрганилди. 2021 йил 12 ноябрь куни (2-смена, 2-жуфтлик, соат 14:30-15:50 гача) талабаларнинг ўртача давомати факультет бўйича 96,5% ни ташкил этди. 2021 йил 29 ноябрь куни (2-смена, 2-жуфтлик, соат 14:30-15:50 гача) ўртача давомат факультет бўйича 95,7% ни ташкил этди. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими кузатув марказидан ўрганилганда талабаларнинг кечикиб келиш ҳолатлари, дарсда телефонда гаплашиш, телефон ўйнаб ўтириш ҳолатлари кўп кузатилди. 29 ноябрь куни 2-смена 1 жуфтликда 24 нафар талаба 5-15 минутгача кечикиб келганлиги аниқланди. Ҳар эрталаб декан, декан муовинлари, кафедра мудирлари томонидан назорат бўлганлиги учун I – сменада кечикиш ҳолатлари камроқ.

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАН ДАСТУРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ (БИЛИМИ) БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН НАЗОРАТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ**

Талабалар билимларини ва ўзлаштиришларини рейтинг тизими асосида баҳолаш учун ўқув режадаги фанлардан ЯН ларнинг турлари (ёзма, тест, оғзаки ва х.к.) факультет

кенгашларида кўриб чиқилган ва тасдиқланган. ЖН, ОН ва ЯН варианtlари ҳамда саволлар тўпламлари ишчи ўқув дастури мазмунини қамраб олган ва мос келади. ЯН бўйича талабалар билиминиadolатли баҳолаш мақсадида кафедралар кесимида ЯН комиссияси таркиби ва ўтказиш муддатлари ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган.

Табиий фанлар факультетида 2020-2021 ўқув йилида 3 та таълим йўналиши бўйича талабалар таҳсил олган. Баҳорги ва кузги семестр натижалари электрон қайднома тизимида юритилган ва мунтазам равишда назорат қилиб борилган. Гурухларнинг таҳлилий қайдномаларини ўрганиш натижасида қўйидагилар аниқланди:

2020-2021 ўқув йили кимё таълим йўналиши 3-курс талабалари (2-1ким-18 гурӯҳи 28 нафар талаба) сифат кўрсаткич 50%, (2-5ким-18 гурӯҳи 20 нафар талаба) сифат кўрсаткич 30%, экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши 3-курс талабалари (2-1эко-18 гурӯҳи 20 нафар талаба) сифат кўрсаткич 30%, география таълим йўналиши 3-курс талабалари (2-3гео-18 гурӯҳи 22 нафар талаба) сифат кўрсаткич 18,2%, кимё таълим йўналиши 3-курс талабалари (2-4ким-18 гурӯҳи 29 нафар талаба) сифат кўрсаткич 3,5% ни ташкил этади.

Факультетда 2 та IELTS сертификати мавжуд.

Савриева Нигина Қаҳрамон қизи (6 балл), (70530101 – Кимё (фан йўналишлари бўйича), 1-курс магистранти);

Аслонова Ферангиз Саъдиллоевна (5,5 балл), (2-1-ким-18 гурӯҳи талабаси)

Низом талаблари асосида битирувчи курс (бакалавриатнинг танлаб олинган гурухларидан) талабаларидан мутахассислик фанлари бўйича университет тест марказида тест синовлари ўтказилди.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси 2-1Eko-18 гурӯхида 20 нафар талабадан 20 нафари (100%) қатнашди. Биоэкология, биология асослари, экологик сиёсат, экология асослари фанларидан 30 тадан тест (жами 120 та тест) берилди. Талабалар ўзларининг логин ва пароллари билан кириб, Uniwork электрон тизимига жойлаштирилган тестларни бажардилар. Ўзлаштириш кўрсаткичи 100% ни, сифат кўрсаткичи эса 20 % ни ташкил этади. 5140600-география таълим йўналиши 2-1Geo-18 гурӯхида 22 нафар талаба тўлиқ (100%) қатнашди. Ўзлаштириш кўрсаткичи 100 % ни, сифат кўрсаткичи эса 14 % ни ташкил этди. 5140500-Кимё таълим йўналишида 2-2-Kim-18 гурӯхида 29 нафар талабадан 29 нафари (100%) қатнашди. Ўзлаштириш кўрсаткичи 93 % ни, сифат кўрсаткичи эса 48 % ни ташкил этди. Факультет бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 97% ни, сифат кўрсаткич эса 30% ташкил этди.

№	Таълим йўналиши	Гурӯҳ	Талаба сони	Қатнашди	Баҳолар				Ўзлаш, %	Сифат, %
					5	4	3	2		
1	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси	2.1-эко-18	20	20	-	4	16	-	100	20
2	География	2.1-гео-18	22	22	-	3	19	-	100	14
3	Кимё	2.2-ким-18	29	29	1	13	13	2	93	48
	<b>Жами</b>		<b>71</b>	<b>71</b>	<b>1</b>	<b>20</b>	<b>48</b>	<b>2</b>	<b>97</b>	<b>30</b>

Талабаларнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фан дастурларини ўзлаштириш даражаси Таълим инспекцияси томонидан ўтказиладиган ташқи аттестация жараённида аниқланади ва мезонлар асосида баҳоланади (Фанлардан ўтказилган назорат

ишилари бўйича талаба ҳар бир фандан тўплаган балл максимал баллнинг 86 фоизи ва ундан юқори бўлса “аъло” баҳо, 71 фоиздан 86 фоизигача бўлса “яхши” баҳо, 55 фоиздан 71 фоизигача бўлса “қониқарли” баҳо, 55 фоиздан кам бўлса талабага “қониқарсиз” баҳо кўйилади.

Талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) муайян таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигидаги танланган ҳар бир фандан назорат ишиларида талабаларнинг ижобий баҳолангандари салмоғи (умумий баллнинг 55 фоизидан юқориси) 70 фоиздан кам бўлмаслиги керак).

Бу банд бўйича факультетдаги барча таълим йўналишлари “аттестациядан ўтган” хисобланади.

### **ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК САЛОХИЯТИ ВА УЛАР МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИНГ (ИХТИСОСЛИКЛАРИНИНГ) ДАРС БЕРАЁТГАН ФАНЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ**

*Факультетда давлат ва тармоқ мукофотлари, фахрий унвонлар, “Илнинг энг яшии педагоги” республика танлови ғолиблигини қўлга киритган профессор-ўқитувчилар мавжуд эмас.*

*Мутахассислик кафедраларида ўқув юкламалари профессор-ўқитувчилар ўртасида уч ўқув йилида ҳам тасдиқланган “Вақт меъёрлари” асосида тақсимланган ва ундағи меъёрлардан кескин четлашишилар кузатилмади. Охирги 3 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг шахсий режсалари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган.*

Органик ва физколлоид кимё кафедраси бўйича 2020-2021 ўқув йилида режада белгиланган жами 14342 соатлик юклама 14342 соатга, яъни 100 фоизга бажарилган. Жумладан, машғулотлар турлари бўйича, маъруза 5002 соат, амалий ва семинар машғулотлари 11110 соат, курс ишиларига раҳбарлик қилиш 508 соат, малакавий ва педамалиёт амалиёт 3054 соат (яъни 100 фоизга) бажарилган.

Умумий ва ноорганик кимё кафедраси бўйича 2020-2021 ўқув йилида режада белгиланган жами 26858 соатлик юклама 26858 соатга, яъни 100 фоизга бажарилган. Жумладан, машғулотлар турлари бўйича, маъруза 5002 соат, амалий ва семинар машғулотлари 11110 соат, курс ишиларига раҳбарлик қилиш 508 соат, малакавий ва педамалиёт амалиёт 3054 соат (яъни 100 фоизга) бажарилган.

Экология ва география кафедраси бўйича 2020-2021 ўқув йилида режада белгиланган жами 26858 соатлик юклама 26858 соатга, яъни 100 фоизга бажарилган. Жумладан, машғулотлар турлари бўйича, маъруза 5002 соат, амалий ва семинар машғулотлари 11110 соат, курс ишиларига раҳбарлик қилиш 508 соат, малакавий ва педамалиёт амалиёт 3054 соат (яъни 100 фоизга) бажарилган.

БухДУ ректорининг 2020 йил 10-октябрдаги 874-сонли буйруғига асосан Кимё кафедраси Органик ва физколлоид кимё ҳамда Умумий ва ноорганик кимё кафедраларига ажратилди.

*Мутахассислик кафедраларида таянч ОТМлар билан ҳамкорликда дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилиши паст даражада эканлиги кузатилди (5<sup>а</sup>-жадвал). Фақат экология ва география кафедрасида бундай ҳамкорлик натижасида 2 та дарслик (1.Ш.С.Шокиров, X.R.Тошов. “География тарихи” ўқув қўлланмаси, 2. Н. Комилова, М. Усмонова, Л.Каршибоева, М. Мамудов, А. Мавлонов, Б. Омонов. “Туризм ва рекреация географияси”дарслиги) яратилган (5-жадвал).*

#### **Нашр этилган дарсликлар:**

1. B.B.Umarov, Q.G'.Avezov, M.A.Tursunov. Fizikaviy tadqiqot usullari. T. Innovatsiya-Ziyo.2020.-336 b. 200 нусхада нашр этилган.

2. Н.Т. Avezov, M.A. Tursunov, Q.G'. Avezov, A.T. Jo'rayev. Fizkaviy kimyo. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi 28.08.2021 buyrug'i; Guvohnoma-375-035. *Nashr qilinmagan*.

3. Н. Комилова. М. Усмонова, Л. Каршибоева, М. Мамудов. А. Мавлонов. Туризм ва рекреацион география. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi 31.05.2021 buyrug'i; №237 Guvohnoma-237-008. *Nashr qilinmagan*

**Нашр этилган ўқув қўлланмалар:**

1. M.Y. Ergashov. Organik kimyodan laboratoriya mashg'ulotlari. T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, -2019. -240b. 500 nusxada chop qilingan.

2. M.R. Amonov, G'. Q. Shirinov. Analitik kimyo sxema va jadvallarda. OO'MTV ning 04.05.2020y. 285-sonli buyrug'I (markazlashgan); Guvohnoma-285-157. *Nashr qilinmagan*.

3.M.S.Sharipov, S.I Nazarov.,H.Q.Razzoqov.Noorganik kimyodan masala va mashqlar to'plami.Buxoro, Durdona-2021. -3886.

4. M.Y. Ergashov. Organik kimyodan masala, mashq va testlar. Buxoro, Durdona-2021. -442b.

5. Г.К.Ширинов, С.И.Назаров, Н.И.Назаров. Неорганическая химия (лабораторные работы). ОО'MTV ning 31.05.2021y. 356-sonli buyrug'I (ichki imkoniyat); Guvohnoma-237-047. *Nashr qilinmagan*.

6. M.A. Tursunov, Q.G'. Avezov, A.T. Jo'rayev. Fizkaviy kimyo fanidan masalalar to'plami. ОО'MTV ning 28.08.2021y. 356-sonli buyrug'I (ichki imkoniyat); Guvohnoma-356-149. *Nashr qilinmagan*.

7. Ш.С. Зокиров, Х.Р. Тошов. География тарихи. ОО'MTV ning 14.08.2020y. 418-sonli buyrug'I (ichki imkoniyat); Guvohnoma-418-130.

8. М. Эргашева. Ландшафтшунослик. Буюк сиймолар (1 кисм) ОО'MTV ning 31.05.2021y. 237-sonli buyrug'I (ichki imkoniyat); *Nashr qilinmagan*.

Сўнгги 3 йилда факультет бўйича вазирлик грифи билан 3 та дарслик, 8 та ўқув қўлланма яратилган. Деканат, кафедра мудирлари, илмий даражали профессор-ўқитувчилар бу соҳадаги фаолиятларида тубдан бурилиш қилишлари лозим.

*Изоҳ: Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясида дарслик, ўқув қўлланма, лугат, изоҳли лугат билан биргаликда методик (услубий) кўрсатма ҳамда методик қўлланма нашрлари кўрсатилган. Лекин кўпчилигимиз ўқув-услубий қўлланма деб муҳокамадан ўтказамиз. Методик кўрсатма ва методик қўлланма ОТМ ўқув-методик кенгайши қарори (тавсияси) асосида нашр этилади. Лекин кўпчилик кафедраларда профессор-ўқитувчилар факультет Кенгайши қарори асосида нашр қилдирадилар ёки компьютерда кам нусхада (10-15нусха) чиқарадилар. Ўрганилаётган факультетда ҳам шундай ҳолатлар учрайди. Университет бўйича бир хил намунада нашр қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.*

Халқаро кўрсаткичларга кўра Табиий фанлар факультети профессор-ўқитувчиларининг Ўзбекистон, МДҲ давлатлари ва халқаро нашрларда чиқарган мақола ва тезисларига [www.scholar.google.com](http://www.scholar.google.com) бўйича иқтибослар даражаси қуидагича:

2021 йилда проф. А.Э. Холлиев мақолаларига 224 та, доц. У.Т. Норбоевада 147 та, ўқит. Б.Ш. Ганиевда 44 та, ўқит. Х.Р. Адизовада 38 та, доц. Г.А. Худойназаровада 32 та, доц.М.С. Шариповда 32 та, проф. М.Р. Амоновда 30 та, проф. Б.Б. Умаровда 23 та, доц. Ё.Д. Холовда 30 та, доц. Қ.Ғ. Авезовда 29 та, доц. М.А. Турсуновда 28 та иқтибосликлар мавжуд.

Экология ва география кафедрасидан Ф.А. Назарова, И.Э. Мирзаева, Г.С. Муратова, З.М. Анварова, Д.Р. Қаршиева, З.Ҳ. Толибова, Д.Д. Қаландарова, С.М. Мардонова, А.Н. Асадуллаев, Органик ва физколлоид кимё кафедрасидан Д.Б. Муталипова, Д.А. Бахранова, Умумий ва ноорганик кимё кафедрасидан М.К. Очилова, Ш.Ш. Ортиковларда 2021 йилда умуман иқтибослик йўқ. Айрим профессор-ўқитувчиларда ҳатто [www.scholar.google.com](http://www.scholar.google.com) базасида профиллари мавжуд эмас. Шунинг учун улардаги умумий иқтибослик ҳам 0 турибди.

№	Кафедралар	2021 йилда иқтибослиги	Сўнгги 5 йилдаги иқтибослиги
		2020 йил	
1	Умумий ва ноорганик кимё	486	1361
2	Органик ва физколлоид кимё		
3	Экология	357	517
	<b>Жами факультет бўйича</b>	<b>843</b>	<b>1878</b>

1	Умумий ва ноорганик кимё	216	590
2	Органик ва физколлоид кимё	189	827
3	Экология	441	623
	<b>Жами факультет бўйича</b>	<b>823</b>	<b>2040</b>
	<b>Жами 2 йилда</b>	<b>1666</b>	<b>3862</b>

Профессор-ўқитувчилар кесимида Ўзбекистон, МДҲ давлатлари ва халқаро нашрларда чиқарган мақола ва тезисларига [www.scholar.google.com](http://www.scholar.google.com) бўйича иқтибослар даражаси жами 1666 тани ташкил этади.

*Факультетда дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг таянч маълумотлари ва , мутахассисликлари дарс берадиган фанига асосан мос келиши кузатилди (4-жадвал), (12-жадвал).*

*Сўнгги 3 йилда факультет бўйича 35 нафар профессор-ўқитувчи малакасини оширган. Малака ошириши режаси тўлиқ бажарилган.*

Асосий штат бирлигидан келиб чиқсан ҳолда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони, илмий даража ва унвонга эга бўлганлар салмоғи, ўртача ёши, ички ва ташки ўриндошлиқда ишлаётганлар бўйича маълумот 3-жадвалда кўрсатилган. Охирги икки ўқув йилидаги илмий салоҳият динамикасида ижобий ўзгариш бор. Экология ва география кафедрасида илмий салоҳият 23%дан 29 % га, органик ва физколлоид кимё кафедрасида 43,75 % дан 46,7 % га ошган, умумий ва ноорганик кимё кафедрасида 50 % дан ўзгармаган. (3-жадвал).

Органик ва физколлоид кимё кафедраси мустақил изланувчиси Ф.М.Нурутдинова 2020 йил 15 июлда Термиз давлат университетида, Таянч докторант С.Ф. Абдурахмонов 2021 йил 17 июлда Бухоро давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.72.01 рақамли Илмий кенгашда (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Шу билан бирга кафедра ўқитувчisi Ҳазратова Дилшода Азамовнанинг “Хитозан иштирокида сувда эрувчан буёвчи моддалар билан ипак ва аралаш толали матоларни пардозлаш технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши ҳимояси 2021 йил 9 декабрда белгиланган.

03.00.07 - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси ихтисослиги бўйича У.Т. Норбоева DSc илмий ишини 2020 йил март ойида, кафедра мудири Ё.Д. Холов 2020 йил 29 октябрда Бухоро давлат университети бир марталик илмий кенгashiда, Г.С Халимова. 2020 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Миллий университети илмий кенгashiда (PhD) фалсафа доктори илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Факультет бўйича илмий салоҳият **41,9 %** ни ташкил этади (5-жадвал).

3-илова

#### Педагогик илмий салоҳият тўғрисида маълумот

т/р	Кафедралар номи	Педагоглар сони				Илмий даражали ва илмий унвонга эга бўлганлар сони*	илмий салоҳият (%)*
		Асосий штат	Ички ўриндош	Ташки ўриндош	Соатбай		
1	Умумий ва ноорганик кимё	13	1	1	2	7	50
2	Органик ва физколлоид кимё	13	2	2	4	7	46,7
3	Экология ва география	24	1	2	1	6	29 %
	<b>ЖАМИ</b>	<b>50</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>7</b>	<b>20</b>	<b>41,9</b>

\*Асосий ва ички ўриндоши штатидаги педагоглар бўйича ҳисобланади.

Барча кафедраларда йиллик ўқув юкламалар кафедра профессор-ўқитувчилари га түгри тақсимланган. Профессор-ўқитувчиларнинг йиллик юкламалари тақсимоти ва бажарилиши кафедраларда муҳокама қилинган. Кафедраларда амалга оширилган ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ишлари (фундаментал, амалий ва бошқа илмий-тадқиқотлар, дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик ишланмалар, маҳаллий ва халқаро наширларда, импакт-факторли (Scopus, Web of Science ва ҳ.к) журналлардаги мақолалари 5-жадвалда ёритилган (5-жадвал).

#### Услубий ва илмий ишлар ҳақида маълумот

Т/р	Кафедраларнинг номи	Охириги 2 йилда чоп этилган ўқув-методик ишлар сони							Охириги 2 йилда чоп этилган илмий ишлар сони		
		Дарслик	Ўқув қўлланма	Услубий қўлланма	Услубий кўргатма	Ўқув-услубий мажмулар	Электрон дарслик	Монография	Илмий мақолалар, шу жумладан:	Патентлар	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Умумий ва ноорганик кимё	0	3	15	3	24	1	8	23	17	-
2	Органик ва физколоид кимё	2	4	12	4	19	3	2	12	34	-
3	Экология ва гография	1	2	7	7	56	-	7	12	53	-
	Жами	3	9	34	14	99	4	17	47	104	-

Дарс машғулотлари дарс жадвалига мувофиқ ўтказилмоқда. Гурух журнallари талаб асосида расмийлаштирилган.

### ТАЛАБАЛАРНИНГ ДАРСЛИК (ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК) ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ, ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ТИЗИМИНИНГ МАВЖУДЛИГИ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА АҲБОРОТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИНИНГ ЯРАТИЛГАНЛИГИ

Бухоро давлат университети Аҳборот-ресурс маркази жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб янги, замонавий 80 та компььютер ва мебель жиҳозлари билан таъминланган бинода фаолият кўрсата бошлади. Ушбу бино 200 ўринга мўлжалланган.

АРМ да мавжуд барча босма адабиётлар 476391 нусхани ташкил этади. Шундан ўқув адабиётлари 158124 нусха, бадиий адабиётлар 138661 нусха илмий адабиётлар 66764 нусха, бошқа турдаги адабиётлар 112842 нусха.

АРМ электрон кутубхоналаридағи электрон ресурслардан, Internet, Ziyonet тармоқларидан, АРМ сайтига киритилган электрон ўқув адабиётларидан профессор-ўқитувчилар ва талабалар мунтазам равишда фойдаланиб келмоқдалар. АРМ соат 20:00 га қадар, талабалар турар жойидаги тармоқ кутубхона соат 21:00 га қадар ишлайди.

Табиий фанлар факультети талабалари АРМдан фойдаланиши бўйича икки ҳафталик (18 ноябрдан 29 ноябргача) давомат олинди. 18 ноябрда 10 нафар, 19 ноябрда 11 нафар, 20 ноябрда 12 нафар, 22 ноябрда 11 нафар, 23 ноябрда 15 нафар, 24 ноябрда 10 нафар талаба мурожаат қилишган. Иккинчи ҳафта (29.11.2021 йил) 59 нафарга етган. 213 та китоб олиб ўқиган. Бу жуда кам кўрсаткич. Мустақил таълим қандай ташкил қилинганини деган табиий савол туғилади.

**Таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси**

Факультет таълим йўналишлари ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланган.

Талабалар сонидан келиб чиқиб, ҳар бир фан бўйича ўқитиладиган асосий адабиётлар (дарслик, ўқув қўлланма)га бўлган талаб (бакалавриат таълим йўналишида ҳар олти нафар талабага камида бир дона, магистратура мутахассислигида ҳар икки нафар талабага камида бир дона дарслик ва ўқув қўлланмани тўғри келиши керак. Ўқув адабиётлари сони белгиланган талабларга мос келмагандан, уларнинг электрон шаклдаги варианти инобатта олинади. Факультет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланган. АРМ директори берган маълумот бўйича табиий фанлар факультетида ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси 88%, кафедра мудирлари тақдим этган жадваллар таҳлил қилинганда 100% таъминланган (6-жадвал). Рус тилида ўқийдиган гурухларда бу кўрсаткич 100% ни ташкил этади.

*Таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси кафедраларда таҳлилий ўрганиб борилиши, шунингдек факультет кенгашида мунтазам муҳокама қилиб борилиши лозим.*

*Фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш ва янги авлод ўқув адабиётларини яратиш чора-тадбирлари ишилаб чиқилиши ва уларнинг бажарилиши ҳолати доимий равишда эътиборимизда бўлиши керак.*

## **МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР ҲАМДА ФОЙДАЛИ ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ МАЙДОНИ БИЛАН ТАЪМИЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ**

Айни пайтда Табиий фанлар факультетида жами 46 та компьютер мавжуд бўлиб, уларнинг 34 таси факультетдаги (305-компьютер хонасига тегишли) барчаси интернет тармоғига уланган. Компьютер хонасидаги компьютерлардан ўқув жараёнига, талабаларнинг семестр якунидаги тест жараёнларида ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчilar дарсдан бўш вақтларида интернетдан самарали фойдаланиб келишмоқда (**11-жадвал**).

Табиий фанлар факультетига университет ҳудудида жойлашган “Ўқув-тажриба хўжалиги” ҳудудидан 2021-2022 ўқув йилида 3 (хона катталиги 25-30 м<sup>2</sup> атрофида) та хона ажратиб берилди. Хоналар факультетдаги 3 та Умумий ва нооргник кимё, Органик ва физколлоид кимё ҳамда Экология ва география кафедраларига 1 тадан бўлиб берилди. Ҳозирги кунда барча хоналар лаборатория столи, парта, стулчалар билан таъминланиб, совук сув, электр тармоғи, хоналарни иситиш учун иссиқлик тизимига уланган. Хоналарнинг девор ва пол қисмлари янгидан таъмирланди. Ушбу хоналардан ҳозирги кунда факультетимиздаги бакалавриат ва магистратура талабаларининг сони ошганлигини инобатта олиб, ўқув-лаборатория дарсларини ташкил қилишда самарали фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ўқув-лаборатория хоналаридан кафедралар қошида ташкил қилинаётган илмий марказлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси таълим йўналишида 3 та фандан (биоэкология, ўсимликлар физиологияси, тупроқ экологияси ва агроэкология) фанларидан лаборатория машғулотлари мавжуд. Биоэкология фанидан 7та (30соат), ўсимликлар физиологиясида 15 та (30 соат), тупроқ экологияси ва агроэкологияси фанидан 4 та (12 соат) лаборатория машғулотлари режалаштирилган (**9-жадвал, 10-жадвал**).

Лаборатория машғулотлари Экология ва атроф муҳитни муҳофaza қилиш бошқармасидаги лабораторияларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 арелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сонли қарорига мувофиқ Дастур бўйича 2017-2020

йиллара Экология бўйича ўқув лаборатория жиҳозлари моддий ва маънавий эскирганлиги сабабли янги ўқув-лаборатория комплекслари билан таъминлаш режалаштирилган эди, лекин ҳали бажарилмаган.

Органик ва физколлоид кимё, умумий ва ноорганик кимё кафедрасининг айрим лаборатория ишлари Sirkor Imix MChJ, Sharq buisnes Solution MChJ, Textile spectrum color кўшма корхоналаридаги лабораторияларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 арелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сонли қарорига мувофиқ Дастур бўйича 2017-2020 йилларда Кимё бўйича ўқув лаборатория жиҳозлари моддий ва маънавий эскирганлиги сабабли янги ўқув-лаборатория комплекслари билан таъминлаш режалаштирилган эди. Ҳозирги пайтда органик ва физколлоид кафедрасида 2 та янги ўқув (103-, 105-хона) ва 1 та илмий (101-хона) лабораториялар, шунингдек, умумий ва ноорганик кимё кафедрасида 2 та янги ўқув (111-, 113-хона) ва 1 та илмий (109-хона) лабораториялар ташкил этилди ҳамда замонавий талаб даражасида жиҳозланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлусиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бириктирилган мактабларнинг айрим ўқув лаборатория машғулотлари Бухоро давлат университети Табиий фанлар факультети кимё лабораторияларида амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда олимпиадага тайёргарлик кўраётган ўқувчиларнинг лаборатория ишлари ҳам ушбу қарорда белгиланган “устозшогирд” тизимига мувофиқ йўлга қўйилган.

Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш таълим йўналишида магистратура мавжуд эмас. География ва кимё мутахассисликларида магистратура мавжуд, малака талабларида белгиланган амалий малака ва кўникмаларнинг шаклланиши учун керакли асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъминланган.

## ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ

Сўнгги 3 йилда факультетда асосий штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар томонидан 3 та дарслик (органик ва физколлоид кимё кафедрасида 2 та, экология ва география кафедрасида ЎзМУ олимлари билан ҳамкорликда 1 та, умумий ва ноорганик кимё кафедрасида дарслик яратилмаган), 8 та ўқув қўлланма (органик ва физколлоид кимё кафедрасида 3 та, экология ва география кафедрасида 2 та, умумий ва ноорганик кимё кафедрасида 3 та), 38 та методик қўлланма, 15 та услугбий кўрсатма ҳамда барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар чоп этилган. *Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан электрон дарслик яратилмаган.* Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларга муаллифлик гувоҳномалари (5 та) олинган, 13 та монография (органик ва физколлоид кимё кафедрасида 2 та, умумий ва ноорганик кимё кафедрасида 7 та, экология ва география кафедрасида 2 та) нашр этилган. Кейинги 2 йилда Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда 47 та, чет эл журналларида 104 та мақола нашр этилган. 2020 йилда факультет бўйича Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда 26 та, чет эл журналларида 45 та, 2021 йилда эса ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларда 21 та, чет эл журналларида 59 та мақола нашр этилган. (3-жадвал).

Факультетда фаолият олиб бораётган асосий штатдаги 50 нафар профессор-ўқитувчилар 2021 йилда 1,2 та халқаро мақола, ОАК эътироф этган журналларда 0,42 улушда мақола тўғри келади. Республика миқёсидаги мақола факультетдаги профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан 2 йилда 1 тадан ҳам тўғри келмайди.

№	Кафедралар	Халқаро мақола	Республика мақола
<b>2020 йил</b>			
1	Умумий ва ноорганик кимё	8	13
2	Органик ва физколлоид кимё	15	7
3	Экология	22	6
	<b>Жами факультет бўйича</b>	<b>45</b>	<b>26</b>
<b>2021 йил</b>			
1	Умумий ва ноорганик кимё	9	10
2	Органик ва физколлоид кимё	19	5
3	Экология	31	6
	<b>Жами факультет бўйича</b>	<b>59</b>	<b>21</b>
	<b>Жами 2 йилда</b>	<b>104</b>	<b>47</b>

Ҳисоботда Scopus, Science Direct, Web of Science, Mendeley ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида чоп этилган мақолалар сони, импакт факторли журналларда, ОАҚ рўйхатига кирган маҳаллий ва халқаро журналларда чоп этилган мақолалар асоси билан берилиши керак.

Бухоро давлат университети ҳузуридаги **PhD.03/30.12.2019.K.72.01** рақамли **Илмий Кенгаш** ва унинг 9 кишидан иборат таркиби ОАҚ нинг 2019 йил 30 ноябрдаги 328-сонли қарори билан тасдиқланган.

2018 йилдан бугунги кунга қадар мазкур Кенгашда 4 та диссертация иши қабул қилинган ва муваффақиятли ҳимоялар ўтказилган.

Навбатдаги ҳимоя Навоий давлат кончилик институти мустақил тадқиқотчisi Т.Б. Алиевнинг диссертация иши муҳокамаси семинари 2021 йилнинг 24 ноябр санасида ўтказилди.

Бухоро давлат университети ҳузуридаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи **PhD.03/30.12.2019.B.72.02** рақамли Илмий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2020 йил 31 декабрдаги 290/2-сонли қарорига кўра 10 кишидан, мазкур Илмий кенгаш қосидаги илмий семинар таркиби 2021 йил 2 мартағи 01-06/514-сон 17 кишидан иборат этиб тасдиқланган.

Бухоро давлат университети ҳузуридаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи **PhD.03/30.12.2019.B.72.02** рақамли Илмий кенгашга 03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси, 03.00.12 – Биотехнология (биология фанлари бўйича) ихтисосликларида биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ҳимояга қабул қилиб олиш ва ўтказишга руҳсат берилган.

1. Илмий кенгашга тадқиқот иши муҳокамаси учун 2020 йил январдан 2021 йил 30 декабргача жами 11 та иш топширилган ва 9 та иш ҳимоя қилиб Олий Аттестация Комиссияси томонидан биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган, 3 нафар Илмий изланувчилар ҳимоя қилиш арафасида. Булардан Кенгаш ташкил қилинган муассасадан, яъни БухДУдан 3 та, бошқа Олий ўқув юртларидан 8 киши.

2021 йилнинг 7 октябрь ҳолатида кафедраларда илмий тадқиқот ишларини бажарилиши юзасидан вилоятдаги турли ташкилотлар ва саноат корхоналари билан **348** та (умумий суммаси **541,7** млн. сўм) фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион-корпоратив

ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, умумий тушум миқдори **409,7** млн. сўмни ташкил этмоқда. Университет бўйича белгиланган йиллик режанинг бажарилиш ҳолати **47,2 %** ни ташкил этади. Хўжалик шартномаларининг белгиланган режа асосида бажарилишини табиий фанлар факультети кесимида таҳлили натижалари қуйидагича:

Факультетда белгиланган режа **85,7 % га** бажарилган. Умумий тушум миқдори **43,7** млн. сўмни ташкил этади. Экология ва география кафедрасида 2019 йилда 15,05 млн. сўмга хўжалик шартномаси тузилган, 10,5 млн. сўмга (75%) бажарилган. Кимё кафедраси 25 та

2019-йил				
T/r	Кафедра номи	Шартнома сони	Суммаси	Тушум
<b>1</b>	Экология	9та	15.05	10.05
<b>2</b>	Кимё	25та	14.71	5.71
2020 йил				
T/r	Кафедра номи	Шартнома сони	Суммаси	Тушум
<b>1</b>	Экология	3та	8.5	8.5
<b>2</b>	Кимё	2та	1.046	1.046
2021 йил				
T/r	Кафедра номи	Шартнома сони	Суммаси	Тушум
<b>1</b>	Экология	6та	25.5	25.5
<b>2</b>	Органик ва физологик фирмё	3та	11.00	8.00
<b>3</b>	Умумий ноорганик кимё	2	10.23	10.23

тузилган шартнома асосида 14млн 710 минг сўм режалаштириб 5млн.710 минг тушум қилган. 2020 йилда факультет бўйича 5 та шартнома имзоланган бўлиб, режа тўлиқ 100 % га бажарилган. 2021 йил ҳисобидан 3 та кафедра бўйича 11 та хўжалик шартномаси асосида 46 млн 730 минг сўм расмийлаштирилган, тушум миқдори 43 млн 700 минг сўмни ташкил қиласди (**17-жадвал**).

### МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ ФАОЛИЯТИ

Факультет кафедраларида ўкув йилининг бошида мањнавий-маѓрифий ишлар режаси,

2019-йил				
T/r	Кафедра номи	Шартнома сони	Суммаси	Тушум
<b>1</b>	Экология	9та	15.05	10.05
<b>2</b>	Кимё	25та	14.71	5.71
2020 йил				
T/r	Кафедра номи	Шартнома сони	Суммаси	Тушум
<b>1</b>	Экология	3та	8.5	8.5
<b>2</b>	Кимё	2та	1.046	1.046

### 2021 йил

талабалар турар жойида (ТТЖ) ўtkaziladigan кафедра кунлари режаси тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ташабbus доирасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ўкув йили давомида мазкур режаларга мувофиқ факультет профессор-ўқитувчилари томонидан бир қанча тадбирлар ва давра сухбатлари ўtkazilgan.

### БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ТАъЛИМНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАРИГА ЎҚИШГА ЁКИ ИШГА ЖОЙЛАШИШИ

2019-2020 ўкув йилида 5140500-кимё таълим йўналиши битирувчилари 53-нафарни (25 нафар давлат гранти асосида, 28 нафар шартнома асосида), 5140600 -география таълим йўналиши 26 нафар (10 нафар давлат гранти асосида, 16 нафар шартнома асосида), 5630100- экология ва атроф-мухит муҳофазаси таълим йўналиши 20 нафар (5 нафар давлат гранти асосида, 15 нафар шартнома асосида) тутатган.

2020-2021 ўқув йилида 5140500-кимё таълим йўналиши битирувчилари 61-нафарни (15 нафар давлат гранти асосида, 46 нафар шартнома асосида), 5140600 -география таълим йўналиши 29 нафар (11 нафар давлат гранти асосида, 18 нафар шартнома асосида), 5630100-экология ва атроф-мухит муҳофазаси таълим йўналиши 20 нафар (5 нафар давлат гранти асосида, 15 нафар шартнома асосида), шунингдек, 2-мутахассислик кимё йўналишида шартнома асосида 8 нафар, география йўналишида шартнома асосида 6 нафар талаба тугатган.

2021-2022 ўқув йилида 5140500-кимё таълим йўналиши битирувчилари 135-нафарни (27 нафар давлат гранти асосида, 108 нафар шартнома асосида), 5140600 -география таълим йўналиши 44 нафар (11 нафар давлат гранти асосида, 33 нафар шартнома асосида), 5630100-экология ва атроф-мухит муҳофазаси таълим йўналиши 39 нафар (10 нафар давлат гранти асосида, 19 нафар шартнома асосида) тугатган.

сўнгги 2 ўқув йилида География таълим йўналишини 21 нафар давлат грантлари асосида талабалар битирган ( 2019 йил 10 нафар, 2020 йил 11 нафар талаба) шулардан 3 нафари бола парваришида, 1 нафари магистр колган 17 нафари ишга жойлашган. Экология ва атроф-мухит муҳофазаси таълим йўналишини 2 ўқув йилида 10 нафар давлат грантлари асосида талабалар битирган ( 2019 йил 5 нафар, 2020 йил 5 нафар талаба) шулардан барчasi ишга жойлашган.(**14-жадвал**).

2020-2021 ўқув йили битирувчиларидан кимё таълим йўналишида 1 нафар (таълим гранти), 9 нафар тўлов шартнома асосида таҳсил олган битирувчи ишсиз, география таълим йўналишидан 1 нафар (таълим гранти) битирувчи ишсиз, экология таълим йўналишидан эса 2 нафар (таълим гранти) ва 7 нафар тўлов шартнома асосида таҳсил олган битирувчи буғунги кунда ишсиз.

Кимё (фан йўналишлари бўйича) мутахассислиги грант асосида 6 нафар, 4 нафари ишга жойлашган, 2 нафари бола парвариши таътилида, контракт тўлови асосида 6 нафар, 4 нафари ишга жойлашган, 2 нафари бола парвариши таътилида.

География (ўрганиш обьектлари бўйича) грант асосида 5 нафар, 4 нафари ишга жойлашган, 1 нафари бола парвариши таътилида, грант асосида 6 нафар, 4 нафари ишга жойлашган, 2 нафари бола парвариши таътилида.

Бу соҳадаги ишларни давом эттиришимиз керак.

## **ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИ**

**Хорижий мамлакатлар билан шартнома асосида талаба, докторант, мустақил изланувчи, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви:**

А.Куатбеков номидаги Халқлар дўстлиги университетининг 2021 йил 13 январдаги №393/с-к буйруғи ва университетнинг 2021 йил 22 февралдаги 09-10/300 сонли хатига қўра Бухоро давлат университети билан 2021 йил 25 февралдаги тузилган -шартнома асосида 2 нафар, жумладан, 1 нафар 2 курс, 1 нафар 3 курс кимё таълим йўналишида академик мобиллик асосида онлайн ўқув жараёнинга жалб этилган.

**халқаро совринлар соҳиблари;**

Органик ва физколлоид кимё кафедраси ассистенти Б.Ш. Ганиев ва кафедра магистранти М.Б. Давроновалар Қозогистоннинг нуфузли “Лучшие молодые учёные – 2021” танловида ғолибликни қўлга киритиб, 1 даражали диплом ва медаллар билан тақдирландилар.

**хорижий мамлакатлардаги методик, илмий семинарлар аъзолари мавжуд эмас;**

**Мунтазам хорижий илмий алоқага эга бўлган профессор-ўқитувчилар;**

Умумий ва ноорганик кимё ҳамда Органик ва физколлоид кимё кафедралари профессор-ўқитувчилари Россия ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (к.ф.д., проф. В.В. Минин, к.ф.н. Н.Н. Ефимов), Санкт-Петербург давлат университети органик кимё

кафедраси (к.ф.д., проф. С.И. Якимович, к.ф.д., проф. М.И. Кузнецов), Москва давлат педагогика университети (к.ф.д., проф. Э.Е. Нифантьев), М. Ауэзов номидаги Қозоғистон миллий университети (к.ф.н., доц. Д.Д. Асилбекова), Қозоғистоннинг Л.Н. Гумилёв номидаги Евроосиё Миллий университети (к.ф.д., проф. С.Б. Рамадиева) илмий ходимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

*чет эл грантлари асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари мавжуд эмас(номи, сони, ҳажми);*

Европа Комиссиясининг Эрасмис+ дастури доирасида 2020 йилги танловларда олий таълим салоҳиятини ошириш йўналишида БухДУ иштирокидаги “BioEcUz: New Master Degree Curricula For Sustainable Bioeconomy in Uzbekistan - Ўзбекистон барқарор биоиктисодиёт бўйича янги магистратура дастури” номли лойихада б.ф.ф.д Ё. Д.Холов иштирок этиб келмоқда.

Экология ва география кафедрасида Челябинск давлат маданият институти профессор-ўқитувчилари билан ҳаммуаллифликда вазирлик грифи асосида 1та методик қўлланма (Емельянова И.Е., Абдуллаев К.Ф., Бобомуродова Н.Ж. Технология развития одаренности детей в ДОО.–Челябинск. 2020) нашр этилди.

#### **Хорижда илмий-педагог кадрларнинг малака ошириши**

Ўрганилаётган ўкув йилларида факультетда хорижда малака оширган профессор-ўқитувчилар мавжуд эмас. Фақат органик ва физколлоид кимё кафедраси ўқитувчиси Баҳтиёр Шукуруллаевич Ганиев ”Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2021 йилда эълон қилинган 1-стипендия танловида стажировка йўналиши бўйича 2021 йил 9 декабрдан М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида малака ошириш режалаштирилган.

#### **Хорижий олий таълим муассасалари ва хорижий илмий марказлар профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларининг таълим жараёнига жалб этилганлиги**

2020 йил10 декабрдан 2021 йил 10 июлга қадар табиий фанлар факультети кимё таълим йўналиши талабаларига Қозоғистоннинг Л.Н. Гумилёв номидаги Евроосиё Миллий университети (L.N.Gumilyov Euasion National University,QS-2020 рейтингида 357-ўрин) доценти Копишев Эльдар Ертаевич “Кимёвий технология” фанидан30 соат маъруза ва амалий машғулотларни масофавий ZOOM платформаси орқали ўтган (Буйруқ 1193-Ш, 22.12.2020й.)

2020 йил11 декабрдан 2021 йил 30 январга қадар табиий фанлар факультети кимё таълим йўналиши талабаларига Қозоғистоннинг Л.Н. Гумилёв номидаги Евроосиё Миллий университети (L.N.Gumilyov Euasion National University,QS-2020 рейтингида 357-ўрин) профессори Рамадиев Слукен Бигалиевна “Биоорганик кимё” фанидан 32 соат маъруза ва амалий машғулотларни, Қозоғистоннинг Л.Н. Гумилёв номидаги Евроосиё Миллий университети (L.N.Gumilyov Euasion National University,QS-2020 рейтингида 357-ўрин) доценти Машан Тоғжан Турғали қизи “Тадқиқотнинг физиковий усуслари” фанидан 30 соат маъруза ва амалий машғулотларни машғулотларни масофавий ZOOM платформаси орқали ўтган. Шунингдек, М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети (Auezov South Kazakhstan State university, QS-2020 рейтингида 490-ўрин) доценти Асылбекова Дина Дүйсенбековна “Биоорганик кимё” фанидан 32 соат маъруза ва амалий машғулотларни масофавий ZOOM платформаси орқали ўтиши режалаштирилган ва 20 соат соат маъруза ва амалий машғулотларни масофавий ZOOM платформаси орқали ўтилган (Буйруқ 1195-Ш, 22.12.2020й.)

*Факультетда хорижий мамлакатлар учун тайёрланган кадрлар ва илмий даражали кадрлар мавжуд эмас.*

**БИТИРУВЧИЛАР ТОМОНИДАН БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИ ВА  
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ (СИФАТИ), ЯКУНИЙ  
ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИГА ОИД ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

Табиий фанлар факультетининг барча таълим йўналишлари бўйича 2019-2020 ва 2020-2021 ўқув йили битирувчилари “Ўзбекистон тарихи” фанидан, битирув малакавий иши химояси ҳамда мутахассислик фанларидан Якуний давлат аттестацияси назоратларини топширишга рухсат берилган буйруқ мавжуд. ЯДА натижалари ва комиссия раиси ҳисоботлари кафедра баённомасига киритилган. Кафедрада университет ректори томонидан мавзу ва илмий раҳбар тасдиқланган буйруқ, қайднома, диссертациянинг ишининг асл нусхалари мавжуд.

2020-2021 ўқув йилида 5 нафар магистр география мутахассислигини, 12 нафар магистр кимё (фан йўналишлар бўйича) мутахассислигини битирган ва диссертация ишларини муваффақиятли химоя қилган. БМИ ва МД ишларининг нусхалари кафедраларда сақланмоқда.

Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажаришда плагиатга йўл қўйилиши бўйича ўрганишларда, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертация ишларida кўчирмачиликка йўл қўйилмаганлиги аниқланди.

Якуний давлат аттестацияси (ЯДА) натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ДАК таркибини шакллантиришда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомнинг талаблари тўлиқ бажарилган. ЯДА натижалари ва комиссия раиси ҳисботи факультет илмий кенгашида кўриб чиқилган.

2020-2021 ўқув йили Амалий инглиз тилидан ўтказилган давлат аттестациясида Кимё таълим йўналиши 68 нафар битирувчидан 2 нафари (2,9%) “5”, 13 нафари (19,1%) “4”, 53 нафари (77,9%) “3” билан баҳоланган. 2-2-ким-17 гурухи 20 нафар талабаларидан 2 нафари (10%) “4”, 18 нафари (90%) 3 баҳо билан баҳоланган. Амалий инглиз тилидан география таълим йўналиши 36 нафар битирувчидан 2 нафари (5,5%) “5”, 7 нафари (19,4%) “4”, 27 нафари (75 %) “3” билан баҳоланган. Экология ва атроф мухит муҳофазаси таълим йўналиши 21 нафар битирувчисидан амалий инглиз тилидан 1 нафари (4,7%) “5”, 6 нафари (28,5%) “4”, 14 нафари (66,6%) “3” билан баҳоланган.

## **ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ БИТИРУВЧИЛАР БИЛИМИ, МАЛАКАСИ ВА ҚЎНИКМАЛАРИДАН ҚОНИҚИШИ ҲОЛАТИ**

*Битирувчилар малакасининг ишлаб чиқарииш талабларига мос келишини аниқлаш, кадрлар тайёрлашида йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф қилиши мақсадида ҳар йили республика миқёсида кадрлар буюртмачилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари таҳлили асосида баҳоланади.*

Аттестацияга жалб этилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар буюртмачилари ўртасида битирувчилар билими, малакаси ва қўникмаларидан қониқиши ҳолати бўйича ўтказилган миллий сўровлар натижалари инобатга олинади.

Ишчи гурӯҳ яна бир қатор масалаларни, жумладан, кафедраларда жорий, оралиқ ва якуний баҳолашларнинг бориши, баҳолаш мезонларининг мавжудлигиБ талабалар мустақил таълим олишининг ташкил этилиши, профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги Низомнинг бажарилиши, факультетда очик дарслар ўтказиш ва уларнинг таҳлили, гурӯҳ журнallарининг юритилиши, факультет Илмий кенгаши ва кафедра мажлисларининг баённомаларини ҳам ўрганди. Бу масалалар факультетнинг кенгайтирилган кенгашида 2021 йил 1 декабрь куни чуқур таҳлил килинди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли маслаҳатлар берилди. Шу сабабли булар ҳақида тўхталмайман. Таклифлар, фикр-мулоҳазалар қарор лойиҳасида келтирилган.

## **ИЧКИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР**

Табиий фанлар факультети таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини юқоридаги кўрсаткичлар ва мезонлар асосида баҳолаш натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ ва асосли хулюса ҳамда таклифлар:

## **ТАКЛИФЛАР**

1. Табиий фанлар факультетида Smart-аудиториялар, чет тили хоналарини ташкил этиш;
2. А.Куатбеков номидаги Халқлар дўстлиги университети билан ҳамкорликда халқаро илмий-техник марказни ташкил этиш;
3. Ўқув-тажриба хўжалигидаги илмий лабораторияларни моддий-техник база билан тъминлаш;
4. Ҳудудларда янги барпо этилаётган, қайта тикланаётган, реконструкция қилинаётган замонавий корхоналар ҳамда иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилинаётганлигини инобатга олган ҳолда, янги касб ва мутахассисликларга бўлган талаб-эҳтиёжларни қоплаш мақсадида аниқ баланс ҳисоб-китобларига асосланган факультет қабул квоталарини шакллантириб бориш;
5. Профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириши ва хориж тажрибасини ўргатиш;
6. Ёш педагог, магистр, иқтидорли талабаларни, хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиши ва малака ошириши мақсадида факультетда хориж тажрибаларини йўлга қўйиш ва амалиётга жорий этиш;
7. Бити्रувчиларни Комплексга қарашли корхоналарга ишга жойлаштириш, корхоналардаги бўш вакант ўринларни малакали бити्रувчилар билан тўлдириб бориш;
8. Факультет кафедраларида мутахассис кадрларни тъминлаб бориш мақсадида чет элда таълим олаётган ҳамда республикамизнинг нуфузли Олий таълим муассасаларини тугатаётган иқтидорли ёшларни жалб этиш;
9. Scopus, Elsevier ва Web of Science рўйхатидаги журналларда факультет профессор-ўқитувчиларнинг мақолаларини нашр эттиришини тизимли рағбатлантириш;
10. Факультетда Президент номидаги давлат стипендиантлари, номдор стипендиантлар, фан олимпиада ғолиблари салмоғини ошириш;
11. Халқаро рейтингларда етакчи (топ 1000 таликка кирувчи) ОТМлар билан қўшма дастурлар ташкил этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш. Жумладан, Казан федерал университети билан ҳамкорликда Кимё ва кимёни ўқитиши методикаси мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш (КФУ профессори С.И. Гилманшина билан дастлабки келишувлар амалага оширилган);
12. Мутахассисликлар кесимида Республика ва халқаро ОТМлар билан масофавий таълимни йўлга қўйиш;
13. Ўзбек лотин тилида ёзилган таянч дарслик ва ўқув қўлланмалар сонини кўпайтириш, электрон версияли матнлар ва дидактик материалларни кўпайтириш зарур.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қиласи:**

1. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи М.Я.Эргашовнинг “Табиий фанлар факультети таълим йўналишлари ва мутахассисликларини ички баҳолаш тўғрисида”ти ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Табиий фанлар факультети таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ички аттестациядан ўтди деб ҳисоблансан.

### **3. Факультет декани Э.Д. Ниёзовга ва кафедра мудирларига:**

- 3.1.Табиий фанлар факультетида Smart-аудиториялар, чет тили хоналарини ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- 3.2.Ўқув-тажриба хўжалигидаги илмий лабораторияларни моддий-техник база билан тъминлаш;

- 3.3.Ҳудудларда янги барпо этилаётган, қайта тикланаётган, реконструкция қилинаётган замонавий корхоналар ҳамда иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилинаётганлигини инобатга олган ҳолда, янги касб ва мутахассисликларга бўлган талаб-эҳтиёжларни қоплаш мақсадида факультет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квоталарини шакллантириб бориш;

- 3.4.Профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириши бўйича чора-тадбирлар режасини белгилаш;

- 3.5. Ёш педагог, магистр, иқтидорли талабаларни, хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиши ва малака ошириши мақсадида факультетда хориж тажрибаларини йўлга қўйиш ва амалиётга жорий этиш;
- 3.6. Факультет кафедраларида мутахассис кадрларни таъминлаб бориш мақсадида чет элда таълим олаётган ҳамда республикамизнинг нуфузли Олий таълим муассасаларини тугатаетган иқтидорли ёшларни жалб этиш;
- 3.7. Scopus, Elsevier ва Web of Science рўйхатидаги журналларда факультет профессор-ўқитувчиларнинг мақолаларини нашр эттиришини тизимли рағбатлантириш;
- 3.8. Факультетда Президент номидаги давлат стипендиантлари, номдор стипендиантлар, фан олимпиада ғолиблари салмоғини ошириш;
- 3.9. Халқаро рейтингларда етакчи (топ 1000 таликка кирувчи) ОТМлар билан қўшма дастурлар ташкил этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш. Жумладан, Қозон федерал университети билан ҳамкорликда Кимё ва кимёни ўқитиши методикаси мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш (ҚФУ профессори С.И. Гилманшина билан дастлабки келишувлар амалга оширилган);
- 3.10. А.Куатбеков номидаги Халқлар дўстлиги университети билан ҳамкорликда халқаро илмий-техник марказни ташкил этиш;
- 3.11. Дарслик ва ўкув қўлланмалар сонини кўпайтириш, таянч ёки нуфузли хорижий ОТМларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш, электрон версияли матнлар ва дидактик материалларни кўпайтириш;
- 3.12. Мутахассислар кесимида республика ва халқаро миқёсда етакчи ва нуфузли ОТМлар билан масофавий таълимни йўлга қўйиш; вазифалари юклатилсин.

#### **4. Барча факультет деканларига:**

4.1. Табиий фанлар факультети таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ички баҳолаш бўйича кўрсатилган камчиликлар барча факультетларнинг кенгайтирилган йиғилишларида таҳлилий мухокама қилинсин ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

5. Мазкур қарорларнинг ижро назорати ўкув ишлари проректор в.в.б. Р.Ғ. Жумаев зиммасига юклатилсин.

**2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 12-июндаги ПФ-4732-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси В.М.нинг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 20 августдаги 242-сон қарорининг ижросини таъминлаш, университет профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш натижалари ҳолати тўғрисида  
(Ўкув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаев ахбороти)**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўплаб таълим муассасалари янгидан қурилди, таъмирланди, энг замонавий ўкув анжомлари билан таъминланди. Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам жадал давом этмоқда, мустақил фикр, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, ўз дунёқарашига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ҳар доимгидек долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, дунё тараққиёти шиддати, унда кечеётган воқеалар ривожи барча соҳалар каби таълим-тарбия жараёнинг ҳам янгича ёндашув, инновацияларни татбиқ этишини тақозо этмоқда. Аввало бу, таълим сифатини таъминлаш энг мухим ўрин тутадиган ўқитувчи-педагоглар савиясини мунтазам ошириб бориш, жараёнга энг замонавий ва илғор ахборот ҳамда таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларда кўринмоқда.

«Малака ошириш» термини мавжуд тизимни ифодаловчи сўз сифатида қўлланилиб келинса, халқаро тажрибада «қасбий ривожланиш» (профессионал девелопмент) маъносидаги қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг **2020-йил 23-декабрдаги “2021-йилда ўтказиладиган олий таълим муассасалари, академик лицей раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси ва тингловчилар контингентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 670-сонли буйруғи** билан жами **94** та ОТМ ва

филиаллари бўйича **8343 нафар** раҳбар ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш режалаштирилган эди.

### **2022 йилги малака ошириш режаси (10 та энг кўп ОТМ)**

Г/Р	ОТМ номи	Тингловчилар сони
<b>1</b>	БухДУ	254
<b>2</b>	СамДУ	233
<b>3</b>	ТДТУ	222
<b>4</b>	ТДТУ	222
<b>5</b>	ЎзМУ	226
<b>6</b>	АнДУ	210
<b>7</b>	ЖДПИ	202
<b>8</b>	ҚДПИ	202
<b>9</b>	СамДТИ	208
<b>10</b>	УрДУ	201
<b>Жами:</b>		<b>2180 (26,1%)</b>

254 нафар (Республика бўйича режанинг 3%ни) профессор-ўқитувчи малака ошириши режалаштирилган эди, шундан, 247 кишини иштироки таъминланди. 12 нафар педагог ходим малака ошириш курсларидан ўта олмади. 2021 йил ноябр-декабр ойида яна 51 нафар профессор-ўқитувчи малака ошириш курсларида фаолият қўрсатмоқда. 2021 йил ражасидаги педагог ходимларнинг 34 нафари таянч докторантурага қабул қилинганлиги, 16 нафари хомиладорлик таътилига чиқганлиги, 10 нафари ишдан бўшаганганлиги аниқланди, расмийлаштирилган бўйруклар мунтазам БИММГа тақдим этиб борилди.

Асосий ишидан ажralган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилаётган раҳбар ва педагог кадрларнинг ўқиш жойига келиш ва у ердан қайтиш бўйича бир марталик йўл харажатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида тўлаб берилди.

Тингловчилар томонидан электрон портфолио тизимиға киритилган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этилди ва фақатгина март ойида малака оширган **4 нафар** (1,6%) педагог ходим электрон портфолио тизимиға ишончли маълумотларни киритмаганлиги сабабли огохлантирилди, камчиликлар бартараф этилди. Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 797-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг “Узлуксиз малака ошириш жараёнлари ташкилотчиларининг вазифалари” деб номланган 7-боби, 53-бандида электрон портфолио тизимиға киритилган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига раҳбар ва педагог кадрлар шахсан масъуз ҳисобланадилар, деб белгиланган.

Уч ёшга тўлмаган ёш боласи бўлган аёллар, пенсия ёшидагилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни университет Кенгашининг тавсияси асосида, масофадан ўқитиши шакллари орқали амалга ошириладиган малака ошириш курсларига жалб этиш чораларини кўриш белгиланган. 2022 йилдаги режада 10 нафар Уч ёшга тўлмаган ёш боласи бўлган аёллар, 9 нафар пенсия ёшидаги педагог ходимларнинг малака ошириши режалаштирилган.

Малака ошириш курсларида аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар томонидан эгалланган янги компетенцияларни оммалаштириш мақсадида очик дарслар, семинарлар ўtkазилишини мунтазам йўлга қўйиш, илғор тажрибаларни амалиётга кенг жорий этган ҳамда касбий фаолиятда юқори натижаларга эришаётган педагог кадрларни рағбатлантириб бориш белгиланган.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 октябрдаги 3/17-27/10-сонли хатига асосан 2021-йил январ-октябр ойларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида

ўқиши режалаштирилиб, турли сабабларга кўра курсларда қатнаша олмаган ҳамда **2021-йил ноябр ва декабр ойларида курсларда ўқиши режалаштирилган** раҳбар ва педагог кадрларни жорий йилнинг ноябр ойида онлайн шаклда ташкил қилинадиган малака ошириш курсларида иштирокини тъминлаш вазифаси юклатилди. Университет ректорининг 2021 йил 30 октябрдаги 13-МО-сонли буйруғи асосида 3 нафар раҳбарлар БИММГа, 51 нафар педагог ходимлар тармоқ малака ошириш ўқув курсларида иштирок этмоқда.

2021 йилда малака ошириш курслари якунида 12 нафар педагог ходим аттестациядан ўтмаган. Университет ректорининг 2021 йил 1 ноябрдаги 15-МО-сонли буйруғи асосида малака ошириш курслари якунида аттестациядан ўтмаган раҳбар ва педагог кадрларни белгиланган тартибда курсларда такрорий ўқиши ташкил этилди. 2 нафар (Т.Б.Болтаев – Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси, Ҳ.Ҳ.Рахматов – Бошлангич таълим назарияси кафедраси катта ўқитувчиси) сабабсиз иштирок этмаяпти, 2 нафар (Р.Каримов, Н.Очилова) Хорижий тиллар бўйича малака ошириш курслари БИММ томонидан 2021 йилда ташкил этилмаганлиги сабабли, 2022 йилги режага киритилган.

Малака ошириш курслари якунида аттестациядан такроран ўтмаган педагог кадрлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни қонунчиликда белгиланган тартибга катъий амал қилган ҳолда расмийлаштирилишини тъминлаш белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2019 йилда университетситетда фаолият кўрсатаётган 606 нафар педагог ходимдан 134 нафари (22 %), 2020 йилда 768 нафар педагог ходимдан 251 нафари (32,7 %), 2021 йилда 858 нафар педагог ходимдан 253 нафари (29,5 %) малака оширган. 2021 йилги малака оширишда 47 нафар (18,5 %) педагог ходим Низомнинг З-боб. Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш шакллари ва босқичлари, 10-бандига асосан (Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги илмий унвонига эга бўлиш; сўнгги 3 йилда хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (малака оширишнинг давомийлиги бир ойдан кам бўлмаган, стажировканинг давомийлиги уч ойдан кам бўлмаган муддатда); сўнгги 3 йилда фалсафа доктори (PhD) ёки мутахассислик бўйича фан доктори (DSc) даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиш; сўнгги 3 йилда камида битта мутахассислик бўйича фан доктори (DSc) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертация ишига илмий маслаҳатчи ёки фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган 2 та диссертация ишига илмий раҳбарлик қилиш; сўнгги 3 йилда якка муаллифликда дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш) шартларидан бирини бажариб, муқобил малака оширидилар. 2022 йилда 872 нафар педагог ходимдан 260 нафари (29,8 %)нинг малака ошириши режалаштирилган.

### **2022 йилги малака ошириш режаси**

Г/Р	Малака ошириш ойи	Гингловчилар сони
1	Январ	24
2	Феврал	34
3	Март	23
4	Апрел	29
5	Май	24
6	Июн	11
9	Сентябр	22
10	Октябр	35
11	Ноябр	37
12	Декабр	21
	<b>Жами:</b>	<b>260</b>

## 2022 йилги малака ошириш марказлари

Г/Р	Малака ошириш жойи	Тингловчилар сони
1	БухДУ	86
2	ЎзМУ	17
3	ТДИУ	19
4	ТДПУ	32
5	ЎзРЖТС вазирлик	28
6	Ўз ДСМИ	8
9	ТДАУ	5
10	ТАТУ	8
11	ЎзДЖТСУ	30
12	Ўз ДўТАУ	25
13	ТДШУ	1
14	БИММ	1
	<b>Жами:</b>	<b>260</b>

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

1. Ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 12-июндаги ПФ-4732-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси В.М.нинг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 20 августдаги 242-сон қарорининг ижросини таъминлаш, университет профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022-йилда ўтказиладиган университет ва унинг хузуридаги академик лицей раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси ва тингловчилар контингенти тасдиқлансан.

3. Уч ёшга тўлмаган ёш боласи бўлган аёллар, пенсия ёшидагилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни масофадан ўқитиш шакллари орқали амалга ошириладиган малака ошириш курсларига университет Кенгаши қарори асосида жалб этилсан.

4. Мазкур қарорнинг ижро назорати Ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаев зиммасига юклатилсан.

### **III.Илмий ишлар ва инновациялар йўналишлари бўйича:**

**3.1. Бухоро давлат университетида 2022 йил учун давлат бюджети маблаглари ҳисобидан Олий таълимдан кейинги таълим институтига қаъбул натижалари тўғрисида**

**ЭШТИЙЛДИ:** О.С.Қаҳҳоров (Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори, Олий ва ўрта маҳсус та’лим вазирлигининг 2021 йил 22-сентябрдаги **3/19-4/1-3491-сонли** ва 2021 йил 27-сентябрдаги **3/19-27/09-182-сонли** хатлари ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро давлат

университети ректорининг 2021 йил 30-октябр куни 2022 йил учун “Олий таълимдан кейинги таълим институтига қабул жараёнини ташкил этиш тўғрисида”ги **396-У-01-сонли** буйруғи қабул қилинди. Буйруққа асосан қабул комиссияси шакллантирилди ҳамда қабул комиссиясига белгиланган талабларга жавоб берадиган талабгорларнинг хужжатларини ягона электрон тизим (*phd.mininnovation.uz*) орқали ўрнатилган тартибда қабул қилиш вазифаси юклатилди. Ихтисосликлар бўйича тегишли кафедра мудирлари томонидан Олий таълимдан кейинги таълим институтига ажратилган қабул квотаси асосида ихтисосликларга тегишли бўлган фанлардан имтиҳон дастури ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, университет расмий веб-сайти ҳамда расмий телеграм каналларига Низом талабларига мувофиқ 1 ой олдин жойлаштирилди.

2021 йил 2 ноябрь санасида университет ректорининг “2022 йилда таянч докторантурा (ПхД), мақсадли таянч докторантурা (PhD) ҳамда докторантурा (ДСc)га кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги **437-У-сонли** буйруғи қабул қилинди.

Буйруққа асосан **18 та ихтисосликлар** кесимига **80 нафар** талабгорларнинг мутахассислик ва чет (инглиз, немис, француз) тили фанларидан имтиҳонларини ташкил этиш мақсадида, университетнинг илмий салоҳиятли профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ҳамда фалсафа докторларидан иборат таркибда қабул комиссияси шакллантирилди.

Университет раҳбарияти томонидан имтиҳон жараёнларида комиссия таркибига киритилган масъул педагог-ходимларга шаффофликни таъминлаш, коррупция ҳолатларига ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, талабгорларни адолатли ва холисона баҳолаш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли кўрсатмалар берилди ҳамда барча комиссия аъзоларидан кафолат хатлари олинди.

Кириш имтиҳонлари ва сұхбат жараёнлари белгиланган жадвал асосида 2021 йилнинг 6-15 ноябрь кунлари реал вақт режимида барча талабгорлар ва жамоатчилик эътиборига тақдим этиш ҳамда имтиҳонда шаффофликни таъминлаш мақсадида видеокузатув остида **тўғридан-тўғри** (<https://camera.buxdu.uz/>) **онлайн трансляция қилинди** ва **ZOOM платформасида ёзиб олинди**.

Имтиҳон якунида юқори балларни қўлга киритган талабгорлардан 25 нафари таянч докторантурा (PhD) га, 1 нафари мақсадли таянч докторантурा (PhD) га ҳамда 4 нафари докторантурा (DSc) га тавсия этилди.

Имтиҳон якунига кўра талабгорлардан имтиҳонни ўтказиш тартиби, баҳолаш натижалари ва комиссиянинг фаолияти юзасидан бирорта ҳам шикоят ва мурожаат келиб тушмаган ва қайд этилмади.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қиласи:**

1. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С. Қаҳҳоровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар (DSc), таянч докторантлар (PhD), мақсадли таянч докторантлар (PhD) ҳамда мустақил изланувчиларнинг шахсий режалари ва методологик дастурлари тасдиқлансан ҳамда шахсий режалари ва методологик дастурларнинг бажарилиш ҳолати назоратга олинсин (Масъуллар: IT, I va IPKT бўлими бошлиғи, кафедра мудирлари, илмий раҳбарлар ва маслаҳатчилар, муддат: 04.01.2022 й.).
3. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар (DSc), таянч докторантлар (PhD), мақсадли таянч докторантлар (PhD) ҳамда мустақил изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги бўйича ҳар чорақда мониторинг ташкил этилсин. Мониторинг натижалари илмий-техник кенгашда муҳокама этиб борилсин (Масъуллар: IT, I va IPKT бўлими бошлиғи, кафедра мудирлари, илмий раҳбарлар ва маслаҳатчилар. Муддат: ҳар чорақда).
4. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар (DSc), таянч докторантлар (PhD), мақсадли таянч докторантлар (PhD) ҳамда мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертация мавзулари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестасия комиссияси блоллетенига эълон қилиниши таъминлансан (Масъуллар: IT, I va IPKT бўлими бошлиғи, кафедра мудирлари, илмий раҳбарлар ва маслаҳатчилар. Муддат: 10.01.2022 й.).

5. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар (DSc), таянч докторантлар (PhD), мақсадли таянч докторантлар (PhD) ҳамда мустақил изланувчилик фаолияти кафедра йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиб борилсин (Масъуллар: кафедра мудирлари, илмий раҳбар ва маслаҳатчилар, ИТ, I ва IPKTB бошлиғи. Муддат: ҳар чорақда).

6. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар (DSc), таянч докторантлар (PhD), мақсадли таянч докторантлар (PhD) ҳамда мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқот фаолияти натижаларини баҳолаш, йиллик режа бажарилишини мониторинг қилиш, илмий тадқиқот натижаларини бажаришда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимиға қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин (Масъуллар: факультет деканлари, кафедра мудирлари, илмий раҳбар ва маслаҳатчилар, илмий тадқиқот, ИТ, I ва IPKTB бошлиғи. Муддат: 10.01.2022 y.).

7. Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар (DSc), таянч докторантлар (PhD), мақсадли таянч докторантлар (PhD) ҳамда мустақил изланувчиларнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базалари билан ишлаш кўниқмаларини ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қаратилган семинарлар мунтазам равишда ташкил этилсин (Масъуллар: факультет деканлари, кафедра мудирлари, илмий раҳбар ва маслаҳатчилар, ИТ, I ва IPKTB бошлиғи. Муддат: Ҳар хафта).

8. Ушбу қарорнинг ижро назорати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С. Қаҳхоров зиммасига юклатилсин.

### **3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига номзодларни саралаш ҳамда танловнинг кейинги босқичга тавсия этиш ҳақида**

**ЭШИТИЛДИ: О.Х. Хамидов** (университет ректори, кенгаш раиси) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9-сентябрдаги ПФ-6309-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 4-ноябрдаги 674-сон қарорининг иловаси г-банди “Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ”, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4-ноябрдаги 2/10-2/6-426-сон хати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27-октябрдаги 81-02-1151-сон хати ҳамда 2021 йил 4-ноябрдаги 2/10-2/1-197-сон хати ҳамда Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 15-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига номзодларни саралаш танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 456(01)-У-сонли буйруғига асосан 23-26 ноябрь кунлари саралаш танлови ўтказилди. Бухоро давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларининг саралаш босқичида 33 нафар талабгорлар иштирок этди.

Талабгорларнинг илмий-ижодий ишлари маҳсус комиссия аъзолари томонидан ўрганилди ва Бухоро давлат университетининг 2021 йил 6-ноябрдаги 3-сон илмий-кенгашида тасдиқланган маҳолаш мезони асосида одилона кўриб чиқилди, илмий-ижодий ишларни баҳолаш комиссияси аъзоларига саралаш танловига келиб тушган талабгорларнинг хужжатларини одилона кўриб чиқиш, низом талабларига тўлиқ риоя қилиниши ҳақида таъкидлadi.

**ЭШИТИЛДИ: У.М. Халикова** (ИТИТФТЕБ бошлиғи У.М. Халикова) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига саралаш танлови уч босқичда ўтказилди.

1-босқич 23-24 ноябрь кунлари талабгорларнинг илмий-ижодий ишлари Имтиҳон комиссияси томонидан баҳолаш;

2-босқич 25 ноябрь кунлари Ўзбекистон тарихидан сұхбат;

3-босқич 26 ноябрь кунлари Чет тили (инглиз, немис, француз) дан сұхбат ўтказилди.

2021 йилнинг 23-24 ноябрь кунлари 33 нафар талаборнинг Илмий-ижодий ишлари, Илмий-ижодий ишларни баҳолаш комиссияси томонидан Бухоро давлат университетининг

2021 йил 6-ноябрдаги 3-сон илмий-кенгашида тасдиқланган маҳолаш мезони асосида одилона кўриб чиқилди ва одилона баҳоланди, 25-26 ноябрь кунлари ўтказилган сұхбатда ҳам талабгорлар махсус комиссия аъзолари томонидан одилона баҳоланди.

Талабгорларнинг Илмий-ижодий ишлари бўйича тўплаган баллари, Ўзбекистон тарихи фанидан ўған сұхбат натижари ва чет тили (инглиз, немис, фарнсуз) фанидан ўтган сұхбат натижалари қўйидагича.

**Бухоро давлат университети Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари  
сараплаш танловида иштирок этувчи талабгорларнинг натижалари**

<b>ULUG'BEK NOMLI DAVLAT STIPENDIYASIGA TALABGORLAR</b>						
T.r.	F.I.Sh.	Ta'lim yo'nalishi	Ta'lim bosqichi	Ilmiy-ijodiy ishlar natijalari	O'zbekiston tarixidan suhbat natijalari	Chet tili (ingliz, fransuz, nemis)dan suhbat natijasi
1.	Aslonova Ferangiz Sadilloyevna	Kimyo	4-kurs	21 ball	O'tdi	O'tdi
2.	Sayfiyev Toxir Faxriddin o'g'li	Biologiya	4-kurs	12.5 ball	O'tdi	O'tdi
3.	Ibodova Sevarabonu To'xtasinovna	Amaliy matematika va informatika	3-kurs	26 ball	O'tdi	O'tdi
4.	Merjanov Nursaid Ikrom o'g'li	Matematika	4-kurs	34.5 ball	O'tdi	O'tdi
5.	Jaxonqulova Zaynura Vali qizi	Kimyo	4-kurs	15.3 ball	O'tdi	O'tdi
6.	Gadoymurodova Zebarsho Rahmaddin qizi	Amaliy matematika va informatika	3-kurs	10 ball	O'tdi	O'tmadi
7.	Toshimova Gulira'no Ilyosovna	Kimyo	3-kurs	6.5 ball	O'tdi	O'tmadi
8.	Amonov Muhammad Murod o'g'li	Kimyo	3-kurs	11.9 ball	O'tdi	O'tmadi
9.	Sharipova Zuhra Shomirzo qizi	Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi	4-kurs	8 ball	O'tdi	O'tdi
10.	Akramov Oybek Isoq o'g'li	Amaliy matematika va informatika	3-kurs	8.5 ball	O'tdi	O'tdi
<b>NAVOIY NOMLI DAVLAT STIPENDIYASIGA TALABGORLAR</b>						
T.r.	F.I.Sh.	Ta'lim yo'nalishi	Ta'lim bosqichi	Ilmiy-ijodiy ishlar natijalari	O'zbekiston tarixidan suhbat natijalari	Chet tili (ingliz, fransuz, nemis)dan suhbat natijasi
1.	Zaripova Aziza Kahramonovna	Filologiya (o'zbek filologiyasi)	4-kurs	65.5 ball	O'tdi	O'tdi
2.	G'ayratova Gulzoda San'at qizi	Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili)	3-kurs	48.3 ball	O'tdi	O'tdi

3.	Dehqonboyev Shohijaxon Oybek o‘g‘li	Psixologiya (faoliyat turlari bo‘yicha)	4-kurs	27.5 ball	O’tdi	O’tdi
4.	Qodirova Nozimva Rasulovna	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar )	4-kurs	38.5 ball	O’tdi	O’tdi
5.	Baxshullayeva Maloxat Baxtiyor qizi	Xotin-qizlar sporti	3-kurs	27 ball	O’tdi	O’tdi
6.	Hamidova Iroda Olimovna	Xorijiy til va adabiyoti(ingliz)	3-kurs	22 ball	O’tdi	O’tdi
7.	Teshayeva Marjona Shuxrat qizi	Filologiya va tillarni o‘qitish (o‘zbek tili)	3-kurs	28 ball	O’tdi	O’tdi
8.	G‘aybullayev Ruslan Asliddinovich	Madaniyat va san‘at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish	3-kurs	16.5 ball	O’tdi	O’tdi
9.	Ahmadova Mahbuba Shavkat qizi	Musiqiy ta’lim	4-kurs	25.5 ball	kelmadi	kelmadi
10.	Shodiyeva Gulhayo Abdurashit qizi	Cholg‘u ijrochiligi	3-kurs	18 ball	O’tdi	O’tdi
11.	Qodirova Nilufarxon Zokir qizi	Xorijiy til va adabiyoti	3-kurs	12.3 ball	O’tdi	O’tdi
12.	Axrorova Zufnunabegim Rizvonovna	Filologiya va tillarni o‘qitish (o‘zbek tili)	3-kurs	14 ball	O’tdi	O’tdi
13.	Alimova Anastasiya Nikolayevna	Boshlang‘ich ta’lim va sport tarbiyaviy ishi	3-kurs	7 ball	O’tdi	O’tdi
14.	Shokirov Sherozjon Shohidjon o‘g‘li	Tasviriy san‘at va muhandislik grafikasi	4-kurs	16 ball	O’tmadi	kelmadi
15.	Mustafoyeva Parvina Ulug‘bekovna	Ingliz tili	3-kurs	3.5 ball	O’tdi	O’tdi

**ISLOM KARIMOV NOMLI DAVLAT STIPENDIYASIGA TALABGORLAR**

T.r.	F.I.Sh.	Ta’lim yo’nalishi	Ta’lim bosqichi	Ilmiy-ijodiy ishlар natijalari	O’zbekiston tarixidan suhbat natijalari	Chet tili (ingliz, fransuz, nemis)dan suhbat natijasi
1.	Raxmonqulova Nafisa Olimjon qizi	Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar )	4-kurs	35 ball	O’tdi	O’tdi
2.	Bahronova Dilnora Alisher qizi	Filologiya va tillarni o‘qitish (o‘zbek tili)	3-kurs	29.5 ball	O’tdi	O’tdi

**O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI DAVLAT STIPENDIYASIGA TALABGORLAR (BAKALAVRLAR)**

T.r.	F.I.Sh.	Ta’lim yo’nalishi	Ta’lim bosqichi	Ilmiy-ijodiy ishlар natijalari	O’zbekiston tarixidan suhbat natijalari	Chet tili (ingliz, fransuz, nemis)dan suhbat natijasi

<b>1.</b>	Baxtiyorov Behruz Bobirovich	Buxoro tarixi	4-kurs (bakalavr)	25 ball	O'tdi	O'tdi
<b>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI DAVLAT STIPENDIYASIGA TALABGORLAR (MAGISTRALAR)</b>						
T.r.	<b>F.I.Sh.</b>	<b>Ta'lism yo'naliishi</b>	<b>Ta'lism bosqichi</b>	<b>Ilmiy-ijodiy ishlar natijalari</b>	<b>O'zbekiston tarixidan suhbat natijalari</b>	<b>Chet tili (ingliz, fransuz, nemis)dan suhbat natijasi</b>
1.	Haydarova Hulkar Axtamjon qizi	Kimyo (organik va fizik kimyo)	2-kurs (magistr)	30.9 ball	O'tdi	O'tdi
2.	Ismoilova Dildora Erkinovna	Matematika (yo'nalishlar bo'yicha)	2-kurs (magistr)	33.75 ball	O'tdi	O'tdi
3.	Sobirov Shohjag'on Ochil o'g'li	Fizika	2 -kurs (magistr)	13.88 ball	O'tdi	O'tdi
4.	Saidova Moxinur Murodovna	Ta'lism va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lism)	2-kur (magistr)	20.1 ball	O'tdi	O'tdi
5.	Xolova Shaxnoza Davronovna	Lingvistika (fransuz tili)	2-kurs (magistr)	11.5 ball	O'tdi	O'tdi

**Buxoro davlat universiteti O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va nomli davlat stipendiyalari saralash tanlovi g'oliblari**

